

2025 йил — атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиёт йили

ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТАСИ

2024 йил
28 ДЕКАБРЬ,
ШАНБА
№85-86
(2224)

Маҳалла

WWW.UZMAHALLA.UZ



БУГУНГИ СОНДА:

“Бекорчилик уятли ҳол бўлиб қолди йиғинимизда”...

Фаровон турмуш тарзини четдан келиб, ҳеч ким яратиб бермайди. Уни ўзимиз, меҳнатимиз билан бунёд этамиз. Аҳолига мана шу мезон асосида тушунтириш олиб бораёلمиз. Ҳар биримиз маҳалла, кўча ва хонадонимизнинг саранжом ва файзли бўлиши учун ҳисса қўшяёلمиз.

3-с.

Оддий қишлоқ аёлининг шижоати ибратга арзигулик

Ҳозирги кунда аёлларнинг фикри анча теран, дунёқараш кенг. Улар орасида кредит, субсидия олишдан кўрқмай, фаолиятини бошлаган ва юқори даромадни кўлга киритганлар талайгина. Биргина деҳқончиликнинг ўзидан 3 марта ҳосил олиб, анча-мунча фойда кўрмоқда.

6-с.

Муаммосига ўзи ечим топадиган ёшларга кўмак беринг!

Йигит-қизларга муносиб меҳнат шaroитларини яратиб, уларнинг иқтисодий имкониятларини кенгайтириш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга кўмаклашиш мақсадида тимимсиз меҳнат қилмоқдамиз.

8-с.

2024 йилда маҳалла янги Ўзбекистондаги ислоҳотларнинг марказида бўлди

Йил якуши — сарҳисоб палласи, орда қолган даврда қилинган ишларга назар ташлаш фурсати. Бу пайтда ҳаёдан “нималарга улгурдик, қандай эзгу ташаббусларга бош қўшдик, қимларга кўмак бера олдик”, деган саволлар ўтади. Айни жиҳатдан орда қолётган йилда маҳалла миқёсида амалга оширилган ишларга кўзгү тутсак, 2024 йил тизим фаолиятида тўб янгилашлар, янги имкониятлар, халққа янада яқин бўлиш фурсати бўлгани аниқлашлади.

Келинг, фикримизни аниқ мисоллар билан ифода қилайлик. Аниқроғи, йил бошида қандай мақсад ва режалар тузилганини йил якунида уларнинг қанчасига улгурилганига назар ташлайлик. Жараёнда илгари сурилган янги ташаббуслар ва уларнинг амалий аҳамиятига эътибор қаратайлик. Холислик учун, келинг, дастлаб “Ўзбекистон-2030” стратегиясини “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили” да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисидаги Президент фармонида белгиланган вазифалар ва уларнинг бугунги ижросига кўз югуртирамиз.



Ҳар бир маҳаллада 50 нафар тадбиркор бор

Эндиликда кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлашда барча банклар ва микроолия ташкилотлари иштирок этиши мумкин бўлади. Микрокредитлар миқдори 300 млн. сўмга етказилади. Бу жараёнда кредитнинг 100 млн. сўмгача бўлган қисмига гаров талаб қилинмайди.

9-с.

“Чексиз интернет”дан фойдаланишда исроф борми?

Гарчи “Чексиз интернет” имкониятига эга бўлсангиз ҳам, беҳуда кетган вақтингиз ва на дунёвий, на ухровий фойдаси бўлмаган нарсалар учун ишлатган мегабайтларингиз сабабли жавобгар бўласиз.

12-с.

Маҳалла 365

2024 йил 23 сентябрда “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастурини амалга ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент қарори қабул қилинган.

Энг оғир аҳволдаги 1 000 та маҳаллага раҳбарлар бириктирилиб, инфратузилмасини яхшилаш дастури тасдиқланади.

Туман ва шаҳарларда камида биттадан маҳаллада “яшил маҳалла” лойиҳалари амалга оширилади.

“Маҳалла еттилиги” эҳтиёжманд хонадонларни Камбағал оилалар реестрига киритади, улар билан манзилли ишлайди.

Худуддаги раҳбарларга ҳар 6 ойда бештадан энг оғир аҳволдаги камбағал оила бириктирилади.

Маҳаллаларда оила шаклидаги кичик ҳажмли болалар уйлари ташкил этилади.

Деҳқончилик ва боғдорчилик учун ер майдони камбағал оилаларга “еттилик” тавсияси билан 30 йилгача ижарага берилади.

“Қанийди, Президент маҳалламизга келса”...



Президент Шавкат Мирзиёев худудларга таширф буюрар экан, албатта, қайсибир маҳаллада бўлади, одамлар билан самимий мулоқот қилиб, уларнинг турмуш тарзи, муаммо ва камчиликларини ўзларидан эшитиши. Кўнглимизда “қанийди, Президент бизнинг маҳаллага ҳам келса” деган умид уйғонарди. Шукрки, орзумизга етишдик...

2-саҳифада.





“2025 йил учун Ўзбекистон Республикасининг ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ тўғрисида”ги қонун қабул қилинди.



Ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш бўйича ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРИ қабул қилинди.



Президент фармонига кўра, “Ягона интеграциялашган экотизим” АХБОРОТ ТИЗИМИ ишга туширилади.



Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

САРҲИСОБ

USHOT HUNARMANDLAR MAHALLASI

ЗАМОНАВИЙ МАҲАЛЛА АҲОЛИГА ЯНАДА ЯҚИНЛАШДИ

ДАВЛАТ ДАСТУРИ ИЖРОСИ ТўЛА-ТўКИС БАЖАРИЛДИ

Фармон билан тасдиқланган **Амалий тадбирлар режасига** кўра, 74-мақсад сифатида аҳоли фаровонлигини таъминлаш ва ҳудудларда кундалик масалаларни ҳал этишда маҳаллани жамоатчилик ҳамда давлат органлари ўртасидаги “таъин кўприк”ка айлантириш вазифаси белгиланган.

1. Маҳалла фаолиятини рақамлаштириш. Маҳалланинг ягона платформаси жорий қилинди. Унга “Темир дафтар”, “Ешлар дафтари” ва “Аёллар дафтари” платформалари ўзаро интеграция қилинди. “Маҳалла еттилик” учун хонадонга кирганда тўлдириладиган ягона саволнома ишлаб чиқилди. Платформага маҳалла аҳолиси саломатлиги, жойларда ўтказилаётган патронаж тўғрисида маълумотларни ҳам киритиш амалиёти татбиқ этилди.

2. “Энг намунали маҳалла раиси” кўрик-танловини ўтказиш. Маҳалла раислари фаолиятини рағбатлантириш мақсадида мазкур танлов ташкил этилиб, ғолиблар 22 март – Маҳалла тизими ходимлари куни арафасида тақдирланди. Бу жараёнда ҳар бир ҳудуддан биттадан, жами 14 нафар маҳалла раисига “Энг намунали маҳалла раиси” олий тоифали фахрий ёрлиги ва 10 миллион сўмдан пул маблағи берилди.

3. “Маҳалла баланси” ягона электрон платформасини ишга тушириш. Уйма-уй юриш орқали маҳалла аҳолиси баланси шакллантирилди. Ижтимоий ёрдамлар ва улардан фойдаланган шахслар, ёрдам турлари кесимида маълумотлар билан танишиш, “еттилик” фаолиятини асосий самардорлик кўрсаткичлари асосида баҳолаш иш берувчи ва иш изловчиларни бири-бири билан боғлаш имконияти яратилди. Шунингдек, алоҳида ишлаш талаб этиладиган, истеъдодли ва иқтидорли ёшлар раҳбарларга бириктирилди, “Ҳар бир маҳалладан икки нафар дастурчи” дастури ишга тушди, “Яшил макон” умумий миллий лойиҳаси доирасида 200 миллиондан зиёд туپ кучат экилди.

МУРОЖААТНИНГ 83 ФОИЗИ ЙИҒИНИНГ ҲАЛ ЭТИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев **Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси** фаолиятини йўлга қўйиш ҳамда “**Маҳалла еттилиги**” ни ташкил этиш бўйича иккита муҳим ҳуқуқий ҳужжатни имзолади. Уюшмага “еттилик” аъзоларини бирлаштириш, мувофиқлаштириш ва йўналтириш вазифалари юклатилди.

Йил бошидан **9 452 та маҳаллада** йиғин раиси, ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли, профилактика инспектори, ижтимоий ходим ва солиқ инспектори бир жамоа сифатида иш бошлади. “Еттилик”нинг вазифаси одамлар дардида даво, муаммосига ечим, инсонларни фаровон ҳаёт сари чорловчи маёқ бўлиши лозимлиги белгиланди. Бунинг учун мукамал тизим, ҳуқуқий асос, энг асосийси, маблағ ва ваколат берилди.

Биргина рақам. 2024 йилнинг 11 ойи давомида Республикада 754 минг 623 нафар (режанинг 88,3 фоиз) аҳоли бандлиги таъминланди. 844 минг 280 та оила камбағалликдан чиқарилди. Камбағаллик даражаси 2,4 фоизга қисқариб, 8,6 фоизга туширилди. Шу билан бирга, миграцияда юрган 418 минг 764 нафар фуқаро қайтарилди, шундан 210 минг 170 нафари ишга жойлаштирилди. Мурожаатларнинг 83 фоизи маҳалланинг ўзидан ҳал этилди. “Еттилик” аъзолари уйма-уй юриши натижасида инфратузилма билан боғлиқ 319 минг 711 та, ижтимоий масалаларга оид 227 минг 846 та муаммо ечимини топди.



Мана, уч йилдики, “Яшил макон” умумий миллий лойиҳаси маҳаллаларга ободлик, кўркамлик бахш этипти. Маҳаллаларнинг ўз боғлари ташкил этиляпти. Республика бўйича 9 452 та маҳаллада “Яшил макон” лойиҳаси ташкил этилиб, жами 31 млн. 690 минг туپ (18 млн. 865 мингтаси платформага киртилди) мевали ва манзарали дарахтлар экилди.

Дарвоқе, бугун ҳар бир маҳалла нафақат ваколатга, балки ўзининг бюджетига ҳам эга. Бу билан аксарият маблағ ва вақт талаб қилувчи муаммоларга жойида ечим топилмоқда. Хусусан, маҳаллаларнинг молиявий имкониятини кенгайтириш бўйича Маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш жағфармасига 361,1 млрд. сўм маблағ туширилди. Хозиргача унинг 177,5 млрд. сўми мақсадли сарфланди. Қолган маблағни сарфлаш бўйича ҳар бир маҳалла режа-дастури ишлаб чиқилди.

ИЖТИМОЙ КЎМАКНИ МАҲАЛЛА КЎРСАТАДИ

“Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси фаолиятини йўлга қўйиш ва маҳаллаларда бошқарув тизимини такомиллаштириш бўйича “йўл харитаси”га асосан, “маҳалла еттилиги” низоми ишлаб чиқилиб, у йиғиннинг намунавий тузилмасига киритилди.

Маҳалла ходимларини лавозимларга тайинлашда ушбу маҳаллада яшовчи номзодларга устуворлик берилиши белгиланди. “Еттилик” фаолиятини асосий самардорлик кўрсаткичлари (КРЛ) бўйича алоҳида баҳолаш жорий этилди. Бу жараёнда маҳалла раиси ходимлар фаолиятини баҳолашда **20 балл бериш** ваколатига эга бўлди. Шунингдек, “еттилик” вакилларининг ишга келиб кетиши тўғрисидаги давоматини (табели) маҳалла раиси юритиши тартиби йўлга қўйилди.

Аҳолига “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари”, “Ешлар дафтари” орқали **ижтимоий ёрдам** (моддий ёрдам, субсидия учун тавсиянома, кафилик ва бошқалар) кўрсатиш ваколати “еттилик”ка берилди.

Шу билан бирга, 208 та туман “Маҳалла сервис компанияси” фаолияти йўлга қўйилди. Маҳалла гузарларида аҳоли учун маиший хизмат кўрсатиш объеклари ташкил қилинди. Ҳар чорак якуни билан “маҳалла еттилиги” аъзоларининг амалга оширган ишлари бўйича фуқаролар йиғини олдига ҳисобот бериш амалиёти жорий қилинди.

Хорижий давлатлар билан ҳамкорликни тизимли йўлга қўйиш бўйича БМТнинг UNFPA, UNDP ва USAID ваколатхоналари билан меморандумлар имзоланди, UNICEF, UNESCO, IGA, Жаҳон банки билан ҳамкорлик йўлга қўйилди. 9 та хорижий мамлакат билан алоқалар ўрнатилди.

Халқимизнинг “Куч бирликда” деган минг йиллик нақли бор. Бу ибора айни пайтда “маҳалла еттилиги” фаолиятида яққол намоён бўлмоқда. Ҳамжихатликдаги саяё-ҳаракатлар натижасида 2024 йил давомида 1 889 та (20 фоиз) маҳалла ишсизликдан, 1 559 таси (16,5 фоиз) оилавий ажралишдан, 3 287 таси (34,8 фоиз) жиноятчиликдан холи ҳудудга айлантирилди. Шу билан бирга, одамлар “еттилик” вакиллари ўзларига энг яқин киши сифатида билиб, ислохотлар жараёнида уларга ҳамнафас, ҳамкор бўлмоқда. Ишонимизки, бу борадаги ишлар 2025 йилда янги босқичга чиқиб, маҳалланинг ўрни ва аҳамиятини ҳар бир оила, ҳар бир инсон ўз ҳаёти мисолида янада ёрқинроқ ҳис этади.

Хитой, Туркия, Қозоғистон, Қирғизистон Республикаларида ўзини ўзи бошқариш тизими тажрибаси ва миграциядаги фуқароларнинг муаммолари ўрганилди. Самарқанд декларацияси БМТнинг Нью-Йоркдаги Бош қароргоҳида 193 та мамлакат аъзолари томонидан расмий ҳужжат сифатида тан олинди ва тарқатилди.

ТўРТ ТАЖРИБА – ТўРТ ИМКОНИАТ

Президентимиз ҳудудларга ташрифидан, албатта, маҳаллалар ҳаёти билан қизиқади. Оддий одамлар билан суҳбатлашади. Худуднинг имкониятларига қараб, ривожланиш стратегиясини белгилаб беради.

Давлат раҳбари ташаббуси билан Сайхунобод, Уйчи, Зарбдор ва Ғиждувон туманлари тажрибалари йўлга қўйилгани миллионлаб хонадонларга барака олиб кирди. Одамлар томорқа нималигини, ундан келадиган даромадини тушуниб етди. Бир сўмини икки сўм қилиш, мингни миллион қилишни ўрганди. Тадбиркорлик тўқин ҳаёт калити эканини англади. Бир ўзини эмас, ўнлаб, юзлаб маҳалладошларини ишли қилишни ўрганди.

“Сайхунобод тажрибаси”. Туманда 3,4 минг гектар аҳоли томорқалари мавжуд бўлиб, бироқ уларнинг 50 фоизидан ҳам фойдаланилмаган. Янги тажриба асосида маҳаллаларга дастлаб 19 та мини трактор ҳамда 150 дан ортик мотокультиватор тарқатилди. Натижада аҳоли томорқаларидан уч мартагача ҳосил олиш тизими жорий этилди. 5,7 млрд. сўм кредит ажратилиши ҳисобига 734 та 3-5 сотихли ихчам иссиқхоналар қурилди.

“Уйчи тажрибаси”. Туман йил аввалида қатор йўналишларда вилоят рейтингидан орқада қолган эди. Янги тажрибага кўра, “маҳалла еттилиги” бизнес, хизмат кўрсатиш, томорқачилик каби йўналишларда аҳоли билан манзилли ишлади. Натижада 38 минг 239 нафар аҳоли иш билан банд қилинди. Банклар 3 минг 200 та фаол миқоз билан ишлаб, уларга ёрдам бергани учун 9 минг одам доимий ишли бўлди. Камбағаллар сони 6 мингга камайди.

“Зарбдор тажрибаси”. Туман йил аввалида оғир ҳудуд саналарди. Туманлар кесимида энг сўнги қатордан ўрин олган, камбағаллик даражаси юқори ҳудуд эди. Давлат раҳбари ечим сифатида “драйвер” соҳаларни аниқлаган ҳолда, маҳаллаларда янги лойиҳаларни ишга тушириш ташаббусини билдирди. Натижада туманда 13 минг 500 та иш жойи яратилди, камбағаллик даражаси 10,9 фоизга пасайди.

“Ғиждувон тажрибаси”. Ҳудудда янги тажриба асосида саноатни вертикалига ўстириш ва шу орқали аҳолини камбағалликдан чиқариш, бандлигини таъминлаш бўйича режалар белгилаб берилди. Кичик саноат зоналарида маҳаллалар “драйвери”дан келиб чиқиб, тадбиркорларга кенг имкониятлар яратилди. Натижада ҳудудда 28 мингдан орტიқ иш ўрни яратилди.

Умуман олганда, мазкур 4 та – Сайхунобод, Уйчи, Зарбдор ва Ғиждувон туманлари тажрибалари доирасида йил бошидан бунён 3 миллион 300 минг аҳоли доимий даромадга эга бўлди. Бугун бу ҳудудлар аҳолиси елкасига шабда теги. “Энг оғир ҳудуд” деган аччиқ маломатлар ортда қолди. Одамлар томорқадан даромад қилишни ўрганди.

ПРЕЗИДЕНТ ТАШРИФИДАН СЎНГ...

“ҚАНИЙДИ, ПРЕЗИДЕНТ МАҲАЛЛАМИЗГА КЕЛСА...”

ШУКРКИ, ЎТГАН ЙИЛИ ШУНДАЙ ОРЗУГА ЭРИШДИК”

Президент Шавкат Мирзиёев ҳудудларга ташриф буюрар экан, албатта, қайсибир маҳаллада бўлади, одамлар билан самимий мулоқот қилиб, уларнинг турмуш тарзини, муаммо ва камчиликларини ўзларидан эшитибди. Бундай манзарани ҳаргал оммавий ахборот воситалари орқали кўриб, хавас қиларлик, кўнглимизда “қанийди, Президент бизнинг маҳаллага ҳам келса” деган умид уйғонарди. Шукрки, орзумизга етишдик...



Нодира ҲАКИМОВА, Қарши шаҳридаги “Ойдин” маҳалласи раиси.

Бир йил муқаддам – 2023 йил 24 октябрда давлатимиз раҳбари Қашқадарё вилоятига ташрифи давомида маҳалламизда бўлиб, оддий одамлар билан мулоқот қилди, ҳудуддаги ободлик билан яқиндан танишганди. Маҳалланинг янги маркази – йиғин гузарни, хизмат кўрсатиш шохобчаларини кўздан кечириб, нуронийлар билан суҳбатлашганди. Президент билан учрашган аҳоли вакиллари бу мулоқотни ҳали-ҳануз ўзгача ҳаяжон билан эслади.

Ўтган бир йил давомида маҳаллада кўплаб ўзгаришлар бўлди. Ҳудудда 10 минг 800 нафардан зиёд аҳоли яшайди. Иккита мактабгача таълим ташкилоти, битта умумтаълим мактаби мавжуд эди. Президент ташрифидан сўнг уларнинг сони ортди: битта хусусий мактаб ва иккита хусусий болалар боғчаси иш бошлади. Жорий йилда тўртта кўп қаватли уй фойдаланишга топширилди, яна биттаси қисқа фурсатда эгаларига тақдим этилди. Шу билан маҳалладаги кўп қаватли уйлар сони 70 тага яқинлашди.

Йиғинда хизмат кўрсатиш соҳаси, тикувчилик ва хунармандчилик яхши ривожланган. Хусусан, аксарият одамларимиз йиғирмага яқин савдо дўкони, сартарошхона, умумий овқатланиш шохобчаси ва бошқа турдаги тадбиркорлик субъектларида меҳнат қилмоқда. Маҳаллада деярли ишсизлар йўқ. Биргина жорий йилда маҳалладаги 200 нафарга яқин ишсиз аҳоли доимий ва мавсумий ишларга жойлаштирилди. 50 нафардан зиёд фуқаро “Ишга марҳамат” моно-марказлари ва бошқа давлат таълим муассасалари орқали ўқитилди. 191 нафари ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида иш бошлади.

Ташриф доирасида Шавкат Мирзиёев “еттилик” вакиллари билан мулоқот қилганди. Ўртимизда барча ижтимоий чора-тадбирлар маҳаллаларда, халқ билан биргалликда ташкил қилинаётгани, бу тизим босқичма-босқич ривожлантирилиб, энди янада кенг ваколат ва имкониятлар берилгани қайд этилди. Айтиши керакки, ўша учрашувда Президентимиз таъкидлаган жиҳатлар бугун барча маҳаллаларда ўз аксини топди. “Маҳалла бюджетини” тизими тўлиқ жорий қилинди. “Онлайн маҳалла”, “Хотин-қизлар”, “Ешлар портали” ўзаро интеграция қилиниб, ягона тизимда муважжаслаштирилди.



Эндилдикда бизнинг зиммамизда биргина вазифа қолади: мазкур тизимни самарали ишлатиш, бундай кенг ваколат ва маблағлардан фойдаланиб, маҳалладаги долзарб муаммоларни ҳал қилишимиз зарур. Ҳолини тадбиркорликка, хотин-қизларни касб-хунарга жалб этиб, даромадини ошириш, ёшлар учун маданий тадбирлар, мусобақалар ташкил этишга эътибор қаратамиз. Зиммамиздаги вазифаларни янада уюшқоқлик, ҳамжихатлик билан давом эттириш, одамлар билан мулоқотни бир лаҳза бўлса-да, узай қўймайлик, ҳар қандай масалани маҳалланинг ўзидан ҳал этишга уруғ бериш кераклигини ҳис этакди.

Шу ўринда бир таклифни илгари сурмоқчи эдим. Маҳалламиздаги 70 га яқин кўп қаватли уйларда 50 нафар уйбоши фаолият юритади. Уларга кўмакчи сифатида яна кўчабошилар, жамоатчилик асосида ишлайдиган отахон ва онахонларимиз бор. “Маҳалла бюджетини”нинг 10 фоизи ана шу фаол фуқароларни рағбатлантиришга йўналтирилса, мақсадга мувофиқ бўларди. Тўғри, бу сумма арзимас миқдорда бўлиши мумкин, лекин маҳалла ишида фаол қатнашганлар уларга ҳам эътибор қаратилаётганини ҳис этса, фаоллиги, ташаббускорлиги янада ортарди.



Хукумат қарорига кўра, кўп квартирали уйларни бошқариш органларининг ЭЛЕКТРОН РЕЕСТРИ юритилади.



Айрим мактаб ходимларининг базавий тариф ставкасига УСТАМАЛАР ТўЛАШ такомиллаштирилади.



Янги қонун билан СОЛИҚ КОДЕКСИга ўзгартиришлар ва қўшимча киритилди.

САРҲИСОБ

Президент ташаббуси сайхунободликлар ҳаётини ўзгартириб юборди

Жорий йилнинг 14 январь куни Президент Спирдарё вилоятинга ташриф буюриб, тумандаги “Иттифоқ” маҳалласида бўлиб, томорқа ва ўй ҳўжаларни билан танишди. Айни шу ташриф давомида аҳоли даромадини оширишга қаратилган ташаббус ишлари сурилиб, “Сайхунобод тажрибаси” номи билан Бугун республикага оммалаштириш белгилангани.



Тоҳир ЖАВЛОҢОВ, Ўзбекистон маҳаллалари уюشمаси Сайхунобод тумани бўлими бошлиғи.

Ҳеч муболагасиз, ташаббус туман аҳолиси ҳаётини тубдан ўзгартириб юборди. 19 та маҳалланинг ҳар бирига 1 дондан мини трактор, 4 дондан мотокультиватор олиб берилди. Ҳар бир маҳалладаги ҳоким ёрдамчиси “1 сотих томорқадан камиди 1-2 миллион сўм даромад” тамойили асосида аҳоли учун бизнес режа ишлаб чиқди. Маҳалладаги агрономлар билан бирга олиб берилган техникалар ёрдамида ҳайдаш ва экин экиш хизмати кўрсатилди. Натижа шунга яраша бўлди. Аҳолининг даромади охиб, турмуши фаровонлашди.

Мисол учун, “Нуробод” маҳалласида ашовчи Муҳайё Маҳмудова 50 сотихли иссиқхонада помидор ва бодрийн етиштириб келади. Бу ерда доимий 5 нафар, мавсумий 15 нафар аёл иш билан ташинланган. Йилига икки маротаба ҳосил йиғиб олинади. Даромад йилига ўртача 230 миллион сўми ташкил этмоқда. Лола Рўзиева 6 сотихли иссиқхонада 84 туп лимон парваришлайди. Дарахтлар остида редиска етиштиради. Жами 8 нафар

иш ўрни яратилди. Даромад йилига ўртача 60 миллион сўм. Шу маҳаллада яшовчи Акрам Рўзиев турт сотихли иссиқхонасида лимончиликдан йилига 40 миллион сўм фойда кўрмоқда. “Шодлик” маҳалласида “Сайхун шукронаси” қандолат цехи иш олиб бормоқда. Ёш тadbиркор Севара Абдуллаева ўн нафар аёлга ҳунар ўргатиш билан бирга уларни ишли қилган. Ҳозирги кунда цехда 15 хилдан зиёд ширинлик ва пиширик тайёрланиб, хариidorларга буюртма асосида етказиб берилаяпти. Севара шу йил ўтказилган “Хотин-қизлар ва ёшлар тadbиркорлигини қўллаб-қувватлаш” лойиҳаси доирасида “Энг яхши бизнес режа” танловининг вилоят босқичида фахрли 2-ўринни қўлга киритди. Ташаббус орқасидан кўплар хонадон эгалари бўш ётган ерларида экин экиб, товук, қўй боқиб, узумчилик билан шуғулланиб, ўзини ўзи банд қилапти. Авваллари фақат беда экиш билан чекланган аҳоли энди узумчиликни йўлга қўйди. Улардан бири – Инъомжон Ниёзов. 20 сотихли томорқасида боғдорчилик, узумчилик билан шуғулланишни бошлади. Ковоқнинг экспортбоп навини экапти. “Нуробод” маҳалласида яшовчи

Зафар Маҳмудов 20 сотих майдонда булғор қалампирни етиштиряпти. Томорқанинг ҳар бир сотихидан ўртача 1,5 млн. сўмдан даромад оляпти. Яна бир муҳим жиҳат – энди инфратузилма билан боғлиқ муаммолар ўтмишда қолди. Табиий газ, электр, ичимлик ва оқова сув таъминоти яхшиланди. “Паймард” ва “Иттифоқ” маҳаллаларида “Ташаббусли бюджет” лойиҳаси асосида ички йўллар асфальтланиб, янги ичимлик сув тармоқлари тортилди. “Тулбуқ” маҳалласида 141 дона темир-бетон устуни ўрнатилди, 9,9 км. электр узатиш тармоғи янгиланди. Шунингдек, 2 та трансформатор ўрнатилди. Натижада ҳудуддаги 500 дан зиёд хонадоннинг электр энергияси таъминоти яхшиланди. Жорий йил маҳалла тизимидаги ўзгаришлар фаолиятимизни қайта кўриб чиқишимизга сабаб бўлди. Аввало, кадрлар таркиби янгиланди, ходимлар малакаси оширилди, йиғинларнинг моддий-техника базаси мустаҳкамланди. 19 нафар маҳалла раислари ҳамда туман бўлими ходимлари 34 соатлик онлайн ўқув дастурини якунлади. 133 нафар ходим иштирокида ўқув семинар ташкил этилди. Бундан ташқари, ҳафтанинг ҳар жума куни марказлашган ҳолда “Маърифат соати” ўтказилапти.

Соҳада самарадорлики таъминлаш учун “Маҳалла назорати” гуруҳлари тuzилиб, улар иштирокида аҳоли муаммолари ўрганиб чиқилди. Аниқланган 84 та масаланинг 32 таси ижобий ҳал этилди, 34 тасига ҳуқуқий тушунтириш берилди. Жумладан, электр, табиий газ, ичимлик сув таъминоти бўйича барча муурожаатлар тезкорлик билан кўриб чиқилди. “Тулистон” маҳалласида “маҳалла сервис компанияси” иш бошлади. Буннинг учун ер майдони ажратилиб, маъмурий бино куриши ишлари бошланди. Жисмоний шахслардан олинанидан ер, мол-мулк солигининг бир қисми маҳалланинг ўзида қолаётгани молиявий имкониятимизни оширди. Жорий йил 954 млн. 775 минг сўм маблағ ҳисобрақамга келиб тушгани. Унинг 505 млн. 276 минг сўми турли мақсадларда сарфланди. Барча фуқаролар йиғинларида “Шукроналик” тарғибот гуруҳлари иш бошлади. Гуруҳга ҳожибар, имом-хатиблар, нурунийлар, санъаткор ва актёрлар, ёзувчи ҳамда журналистлар жалб қилинган. Шубҳасиз, бу ишларнинг ортида заҳматли меҳнат турибди. Машаққатдан чўчимасак, дастурхонимиз тўкин, турмушимиз янада фаровонлашади.

МАНЗАРА

“Бекорчилик уятли ҳол бўлиб қолди йиғинимизда”...

Маҳалламиз 2024 йилда жиноятчилик, инсизлик ва камбағалликдан ҳоли ҳудудга, обод ва кўркам масканга айланди. Камқасбларни, танишлар ютуқлар омил ҳақида сўрашди. Аввало, бу — “маҳалла етиштириш”нинг ўзаро ҳамкорлигида олиб борган савий ҳаракати натижаси.



Муҳиддин ОЛИМЖОНОВ, Кўкон шаҳридаги “Саодат” маҳалласи раиси.

Фаровон турмуш тарзини четдан келиб, ҳеч ким яратиб бермапти. Уни ўзимиз, меҳнатимиз билан бунёд этамиз. Аҳолига мана шу мезон асосида тушунтириш олиб бораётишимиз. Ҳар биримиз маҳалла, кўча ва хонадонимизнинг саранжом ва файзли бўлиши учун хисса қўшаямиз. Эрта саҳарда туриб, хонадонларни ободонлаштириш, кўча-ҳовлиларни супуриб-сидириш, турли гуллар парваришlash кундалик юмушга, одатга, аънанга айлانган. Жараёнда маҳалла фаоллари, нурунийлар, ҳожи оналар, оқила аёллар маслаҳат бериб, йил-йўриқ кўрсатмоқда. Амалий ишлари, ибратли ташаббуси, жонкуярлиги билан намуна бўлмоқда. Ишсизлик, бекорчилик уятли ҳол ҳисобланади. Шу боис барча ҳаракатда. “Драйвер”имиз — хизмат кўрсатиш ва тadbиркорлики ривожлантиришга катта урғу бераётишимиз. Ҳудудда 307 нафар тadbиркор фаолият олиб бормоқда. Жорий йилда “Ҳар бир

оила — тadbиркор” дастури асосида 28 та хонадонга имтиёзли кредит ажратдик. 4 та нодавлат мактабгача таълим ташкилоти ташкил этдик. Ҳар бири 100 миллион сўмдан имтиёзли кредит олди. Натижада 192 та янги иш ўрни яратилди. Йил бошида 59 нафар ишсиз аёллар рўйхати шакллантирилган. Бугун уларнинг барчаси рўйхатдан чиқарилди. Умуман, 2024 йилда 85 нафар ишсиз фуқаронинг бандлиги таъминланди. Бу жараёнда 125 нафар фуқаро ўзини ўзи банд қилди. 4 нафарига субсидия асосида ишлаб чиқариш дастгоҳи топширилди. Яна бир муҳим кўрсаткич — маҳалла ажралишлардан ҳоли ҳудудга айланди. Инфратузилмани яхшилаш мақсадида 14 кўча тўлиқ асфальтланди, 3 та янги трансформатор ўрнати-

либ, 20 та таънақ устун янгиланди, 600 метр узунликда тармоқ тортилди. Тadbиркорликини қўллаб-қувватлаш, янги иш ўринлари яратишда ўзига хос ташаббусни йўлга қўйганмиз. Яъни ҳар бир кўча маълум бир соҳага ихтисослаштирилган. Масалан, Бодомзор кўчасида лак-бўёқ, қурилиш ва трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Шўҳрат Кўчқоров лак-бўёқ ишлаб чиқаришни 2014 йилдан бери олиб боради. Эсонвалар оиласи трикотаж буюмлари тикади. Нуъмонжон Мадаминов курилиш материалларидан мрамар тошга ишлов бериш билан шуғулланади. 2025 йилда янада катта марралари кўзлаганимиз. Ҳудудда маҳалла гузари ташкил этамиз, барча кўчалар кириш қисмини кузатув камераси билан жиҳозлаймиз.

Хориждан қайтган 861 нафар фуқаро иш берувчига айланди

САРҲИСОБ

Фуқрат тумани Фаргона вилоятининг саноати кам ривожланган ҳудуд ҳисобланади. Мавжуд 35 та маҳалла фуқаролар ишсизлиги 127 минг 699 нафар аҳоли иштирокида қилди.



Диёржон ҲОМИДОВ, Ўзбекистон маҳаллалари уюشمаси Фуқрат тумани бўлими бошлиғи.

Йил бошидаги ҳатловда 3 минг 156 нафар ишсиз аниқлангани, бугунгача 2 минг 843 нафарининг бандлиги таъминланди. Уларнинг 335 нафари бўш ва янги иш ўринларига, 438 нафари жамоат ишларига жалб қилинди. 1 000 нафарга яқини ижарага ер, субсидия ва кредит олиб, ўзини ўзи банд қилди. Қолганлар хунармандчилик, тadbиркорлик йўналишида фаолият бошлади. Бундан ташқари, тижорат банклари “Сайхунобод тажрибаси” асосида 227 та кам даромадли хонадонга жами 4 миллиард 665 миллион сўмлик 7 хил лойиҳа пакети тақдим қилди. Хорижда ишлаётган ҳамда кетмоқчи бўлганлар билан “Хорижга иш — маҳалладан” тамойили асосида иш ташкил этилган. Охириги ҳатловда 3 минг 118 нафар юртдошимиз рўйхатга олинган. Ўтказилган онлайн мулоқот натижасида 861 нафари қайтиб келди. Барчасининг бандлиги таъминланди. Улар субсидия ва кредит ҳисобига иш берувчи тadbиркорга айланди. Йиғинлар “Бир маҳалла — бир маҳсулот” тамойили асосида маълум бир йўналишга ихтисослаштирилмоқда. Масалан, бирида гулчилик, бошқасида сутчилик, кейингисиде сутни қайта ишлаш йўлга қўйилган. Мебелсозликка ихтисослашган “Шуқор” маҳалласида 50 дан зиёд оилавий корхона, яқка тартибдаги тadbиркор фаолият кўрсатаяпти. Ўзиборлиси, шу иш ортидан 300 нафардан зиёд аҳоли ўзини ўзи банд қилган. Жорий йил 30 та лойиҳа амалга оширилиб, 120 та янги иш ўрни яратилди. Томорқадан самарали фойдаланишни йўлга қўйган “Томоша” маҳалласида 700 та хонадон бўлиб, 1 сотихдан ўртача 10-15 миллион сўмгача даромад олиш тажрибаси яратилган. Кейинги пайтда гулчилик ривожланаяпти. Етақчи тadbиркор Машҳура Рашидова бир мавсумда 80-100 миллион сўм фойда кўрмаяпти. “Навбахор” маҳалласида иссиқхоначилик алоҳида ўзибор берилган. Абдуллажон Алиқуллов 25 сотихли

майдонда помидор етиштиряпти. Ўтган йили 800 миллион сўм даромад олганди. “Калдушон” маҳалласида яшовчи Насиба Қодирова 20 сотих ерда полиз маҳсулотлари парваришlashнинг ҳадисини олган. Ўзиборлиси, худудда 8 та экспорт қилувчи корхонага 17 та маҳалланинг 700 га яқин хонадони бириктирилган. Инфратузилма билан боғлиқ муаммолар ҳал этилаётгани аҳоли яшаш шароити яхшиланшига хизмат қилапти. “Чиркай” маҳалласи “Обод хонадон”, “Обод кўча”, “Обод маҳалла” мезонлари асосида янги қиёфага кирди. Муаммолар “хонадонбай” ўрганилди. Аниқланган 78 нафар ишсиз фуқаронинг 25 нафарига субсидия асосида тикув машинаси, 22 нафарига меҳнат куруллари олиб берилди, 17 нафарига чорвачилик, томорқачилик йўналишида имтиёзли кредит тақсимланди, 15 нафари ҳақ туланиданган жамоат ишига жалб этилди. Тadbиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш орқали инсизлик, камбағалликини қисқартириш чораси кўриляпти. Бу йўналишида 40 нафар талабгорга 657 миллион сўм маблағ берилди, 3 та кичик лойиҳа ишга туширилиб, ўндан ортиқ янги иш ўрни яратилди. Умумтаълим мактабининг бўш турган биносида ёшларни касб-ҳунарга ўргатиш маркази иш бошлади. 20 нафардан ортиқ маҳалла ёшлари тикувчилик йўналишида керакли билим ва кўникмага эга бўляпти. Замон талабига мос тарзда жиҳозланган янги маҳалла биноси қад ростлаши алоҳида воқеликка айланди. “Маҳалла еттилиги” учун барча шароит яратилган бинода мажлислар зали, “Жамоатчилик маскани” хизматлари йўлга қўйилди. Туташ ҳудудда барпо этилган “Маҳалла боғи”да 300 туп манзарали, 700 туп гул кўчати экилди. Марказдан 15 километр олисида жойлашган “Кармак” маҳалласи аҳолисини 30 йилдан бери йўл ва ичимлик сув муаммоси кийнаб келарди. Жорий йил Жаҳон банкининг лойиҳаси асосида 9 та кўчанинг 10 км. ички йўли асфальтланди, 12 минг 500 метр масофада ичимлик сув тармоғи тортилди.

АНИҚ РАҚАМ

113,7 МИНГ НАФАР АҲОЛИ ИШЛИ БЎЛДИ

Жорий йилда Президент ташаббуси билан жорий этилган “Уйчи тажрибаси” асосида банк музоқарари билан ишлаб орақли республика бўйича 113,7 минг нафар аҳоли долмиши шга жойлаштирилди, 242 минг нафари ўзини ўзи банд қилди.

Яқка тартибдаги тadbиркор сифатида рўйхатдан ўтганлар 4,5 минг нафарни, деҳқон ҳўжаликлари 8,3 минг нафарни ташкил этди. Йил бошидан 11,6 трлн. сўм маблағ йўналтирилиши натижасида аҳоли даромадини оширишга эри-

шилди. Жумладан, оилавий тadbиркорлики ривожлантириш дастурларига 5,2 трлн. сўм, Бизнесни ривожлантириш банки дастаклари орқали 49 минг нафар тadbиркорга 4,7 трлн. сўм, “Бизнесга биринчи кадам” дастурига 1,6 трлн. сўм йўналтирилди.



Жисмоний шахсларнинг шахсига доир маълумотларни ўз ичига олувчи АХОЛИНИНГ ЯГОНА ЭЛЕКТРОН РЕЕСТРИ жорий этилади.



ТАЗЙИҚ ЎТКАЗГАН ва зўравонлик содир этган ёки содир этишга мойил бўлган шахсларнинг реестри юритилади.



Айрим қурилишлар бўйича техник назорат хизматини кўрсатишга ТАДБИРКОРЛАР жалб этилади.

“Камбағаллик даражаси 11,7 фоиздан 5,3 фоизга қисқарди”

Маҳалла мебелчиликка ихтисослашган. Худудда “Эркин бобо мебел маҳсулоти”, “Абдул Бокӣ Раҳмон”, “Эъзоз мебеллари” каби хусусий корхоналар масъулияти чекланган жамият шаклида фаолият юритиб, ўнлаб оиланинг моддий манфаатдор бўлишига имконият яратяпти.

Низомжон ҒАНИЕВ, Жондор туманидаги “Охших” маҳалласи раиси.

Бу корхоналарда дастлаб уста дурадгорлик шаклида бўлиб, сўнг мебелчилик билан шуғулланишга ўтилган. Дурадгорликдан мебелчиликка асос солган тадбиркорларнинг 20 нафардан ортиги кичик корхона очиб, фаолият юритмоқда.

“Охших” кичик саноат зонаси ўсиш нуктамизни янада ривожлантириш, “Бир маҳалла — бир маҳсулот” тамойили асосида иш ўринларини яратишда кўл келмоқда.

Аҳоли талаб ва истагидан келиб чиқиб, ер майдони

ўртача 5 сотихдан 14 та лотга бўлиниб, аукцион савдолари орқали тадбиркорлик субъектларига сотилган. Бунда 1 сотих ер майдони қиймати ўртача 2 миллион сўм миқдоридан берилган. Жараёнда “Микрокредитбанк” туман филиали томонидан 4 миллиард 700 миллион сўм маблағ кредит сармоёси сифатида расмийлаштирилди.

Шу кунгача мебелчилик устахоналари ҳовлиларда алоҳида, тарқоқ тарзда ишларди. 1,8 гектар майдонда қиймати 14 миллиард сўмлик лойиҳа ишга тушгач, 30 га яқин дурадгорлик корхонаси бир жойда жамланди. Мухими, 200 нафарга яқин аҳоли-

нинг бандлиги таъминланди.

Бугун кичик саноат зонасида 11 та янги лойиҳа амалиётга жорий этилгани натижасида йилига 43 турдаги 87, 5 минг дона мебел маҳсулоти ишлаб чиқарилмоқда. Йилига 50 миллиард сўмлик сотув амалга ошириляпти. Маҳаллий бюджетга 2,5 миллиард сўм қўшимча тушум бўляпти.

Тадбиркор Рустам Усмонов 50 та янги иш ўрни яратиб, уларга 6-7 миллион сўм маош бермоқда. Жорий йилда “Фаол тадбиркор” кўрак нишони билан тақдирланди.

Достон Дўстмуродов 2021 йилдан буён ўз

хонадониди устахона очиб, якка тартибда ишларди. Кейинчалик 4 нафар шогирд етиштириб, ошхона ва офис мебеллари ишлаб чиқариш билан шуғулланиб келди. Эндиликда “Интизор файз мебел Бухоро” масъулияти чекланган жамиятига асос солди. Хозир унинг кичик корхонасида 11 нафар ишчи меҳнат қилмоқда.

Этиборлиси, худудда тадбиркорлик ривожланаётгани ишсизлик ва камбағалликни қисқаришига омил бўляпти. Масалан, йил бошида камбағаллик даражаси 11,7 фоизни ташкил этган бўлса, бугун бу кўрсаткич 5,3 фоизга қисқарди.



Биргаликдаги ҳаракат ютуқларга омил бўляпти

Маҳалла “драйвер”ни — асарарчилик, паррандачилик. Худуддаги 814 та хонадонда 4 минг 114 нафар аҳоли истиқомат қилади. Бугунги кунда 55 нафардан зиёд асарарчи бор.

Гулбахор НАЗАРОВА, Қизилтепа туманидаги “Тавоис” маҳалласи раиси.

Йил бошида 61 нафар ишсиз аниқланган эди. Ҳоким ёрдамчиси кўмағида 19 нафари доимий ишга, 42 нафари тадбиркорликка жалб қилинди. Уларга кредит ва субсидия ажратилди. Натижада ишсизликдан холи худудга айландик.

Инфратузилма билан боғлиқ муурожаатлар босқичма-босқич ҳал этиляпти. Жорий йилда таъмирталаб аҳволда бўлган қарийб 7 километр йўл маҳаллий бюджет ҳисобидан асфальтланди, 300 метр ички кўчага шағал ётқизилди. Икки километр масофада пидедалар йўлаги барпо қилинди. 12 километр масофага ичимлик сув

тармоғи тортилди. Натижада барча хонадонлар ичимлик сув билан таъминланди. Шу билан бирга, электр энергияси таъминотида кузатилаётган узилишларга барҳам бериш, трансформатор юктамаларини камайитириш мақсадида 400 метр масофадаги электр тармоғи таъмирланди. Эски симёғочлар 70 та таянч устунга алмаштирилди, 200 та тунги ёритиш чироқлари ўрнатилди. Эътиборлиси, улар кўш панели ёрдамида ишлайди.

Юқориди таъкидлаганимиздек, ўсиш нуктамиздан фойдаланиб, турмушини фаровон қилаётганлар кўп. Улардан бири — Иноят Саидов. Асарарчилик ортидан йилига 5-6 тонна ҳосил олади. Маҳсулотини маҳаллий бозорда сотиб, 50 миллион сўмгача даромад топяпти.

Ишсиз фуқароларнинг бандлигини таъминлашда қизиқиши ва қобилиятини



инобатга оляпмиз. Оилавий аҳоли ўрганилиб, кўмак берилляпти.

Сурайё Шамсиева ишсиз сифатида “Аёллар дафтари”да рўйхатда турарди. Хатлов

жараёнида унга уйда нон маҳсулоти тайёрлаб, сотишига ёрдам берилди. Қисқа муддатда яхши натижага эришди. Шу сабабли 100 миллион сўм имтиёзли кредит

ЖАРАЁН

ТАШАББУС

“ТАШАББУСЛИ БЮДЖЕТ” ДА 10 МИЛЛАРД СЎМ ЮТИБ ОЛДИК”

“Чилон” маҳалласи мебелчиликка ихтисослашган. 70 та хонадон шу соҳада банд. Аҳоли сони 3 минг 491 нафар. Яқингача инфратузилма билан боғлиқ муаммоларга ечим топиляпти. Чилон, Ўрда, Бахтиқбол, Орифбой кўчалари қишда лой, ёзда чанг, электр таъминоти қониқарсиз эди. Ёшлар учун шароит бўлмаган. 18-мактабга қатновчи ўқувчилар жуда қийналарди. “Ташаббусли бюджет” лойиҳаси чин маънода аҳолини бирлаштирди.

Маълумки, лойиҳада 2021 йилдан буён йилига икки марта бевосита фуқароларнинг ташаббуси асосида маълум бир худуд ёки тизимдаги муаммоларга ечим топиляпти. Ҳокимият ва маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилмоқда. Авваллари бу каби тадбирлар ҳокимлик ва маҳаллий Кенгашлар тақлифи асосида тегишли дастурларга киритилиб, амалга оширилди. Жараёнда баъзида ҳақиқатда оғир масалалар қолиб, айрим кишиларнинг аралашуви ёки манфаати ортидан бошқа лойиҳалар дастурга кириб қоларди. Энди вазият ўзгарди. Аҳолининг ўзи худуд ривожини, одамлар турмуш даражаси учун муҳим бўлган масалаларни ташаббус асосида илгари сурмоқда.

Бу борада маҳалламиз вилоятда етакчилик қилмоқда. Икки йилда саккизта лойиҳа учун 10 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ютиб олдик.

2022 йил 2-мавсумда 9 минг 300 та овоз тўплаб, 1 миллиард 200 миллион сўм маблағ ҳисобига 3 км. масофадаги кўча асфальтлаштирилди.

2023 йил 1-мавсумда 2 минг 100 та овоз тўплаб, ёпиқ мини стадион қурилди. Натижада худудимиздаги уюшмаган ёшларнинг спорт билан мунтазам шуғулланиши учун имконият яратилди. Шу мавсумда ёпиқ чикқан бошқа бир тақлиф ҳисобига электр таъминоти яхшиланди. Эски симёғочлар ўрнига 300 та бетон таянч устун, 5 та трансформатор ўрнатилди. Бундан ташқари, 3,5 км. масофадаги йўл асфальтланди.

Жорий йилнинг 1-мавсумида 3 минг 150 та овоз тўплаб, янги маҳалла биноси қуриш тақлифи ёпиқ чикди. “Ташаббусли бюджет” лойиҳасида жами 10 миллиард 240 миллион сўм маблағ эгасига айландик.

Бундан ташқари, тадбиркорлар кўмағи билан аҳолининг ичимлик сув таъминотини яхшилаш мақсадида 390 метрдан кудуқ қазилди. Натижада 250 та хонадонга ичимлик сув кириб борди. Умумий ҳисобда 400 метрдан 7 дона кудуқ қазилди. Ички кўчаларнинг 7 км. қисми асфальтланди. 650 дона бетон таянч, 9 та трансформатор ўрнатилди.

Шухратжон БАРАТОВ, Кува туманидаги “Чилон” маҳалласи раиси.

Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан жорий этилган “Сайхунобод тажрибаси” бутун республика бўйлаб кенг қўлланылган.



Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ.

Хўш, ўтган вақт мобайнида бу ташаббус қандай натижа берди?

“Сайхунобод тажрибаси”нинг самарасини шу худудда истиқомат қилаётган аҳолининг турмуш даражаси юксалаётгани мисолида кўриш мумкин. Илгарилари кўп хонадонларда

имконият бўла туриб, рўзгор учун керакли бўлган полиз, сабзавот маҳсулотлари ва мева-чева бозордан сотиб олинарди.

Энди вазият тубдан ўзгарди. Республикаимизнинг барча маҳаллаларида “Сайхунобод тажрибаси”ни йўлга қўйиш натижасида 380 минг нафар аҳоли бандлиги таъминланди, уларнинг 255 минг нафари

тадбиркорликка жалб қилинди. Кичик ишлаб чиқариш, хизмат ва савдо объектларини ташкил этиш учун 40,6 мингта микро-лоyiҳага 928 млрд. сўм кредит ажратилди. Пировардида 65,8 минг нафар аҳоли иш ўрнига эга бўлди.

Ташаббус доирасида 17,3 мингта хизмат кўрсатиш, 2,7 мингта ишлаб чиқариш, 2,8 мингта тикувчилик микро-лоyiҳалари ишга туширилиб, 2,5 мингта иссиқхона ва 39 гектар боғ ташкил этилди. Аҳолига 228 минг бош парранда, 11,4 дона асалари кутиси ва 63 минг бош чорва моллари етказиб берилди. Деҳқончилик учун 159,3 минг нафар фуқарога 61,5 минг гектар ер ажратилди. Бундан ташқари, 9 та тижорат банк ҳар бир худудда 1 тадан, жами 14 та “супер лойиҳа”ни амалга оширди. Лойиҳалар учун 718 нафар аҳолига ижарага берилган 222 гектар ер майдони танлаб олинди, 14 та агрегатор бириктирилди. Улар маҳсулотларини сотиб олиш бўйича ер эгалари билан фьючерс шартномаси имзолади.

Дўстлик туманидаги “Манас” маҳалласида 20 гектар, Сирдарё туманидаги “Бешбулок” маҳалласида 19 гектар майдонда брокколи карами етиштириш лойиҳасига 5 млрд. сўм банк ҳомийлик маблағи ажратилди. Кўчат етиштириш учун 2,4 гектар майдонда замонавий иссиқхона қурилди. Ҳар бир ер эгасининг йиллик фойдаси 100-250 млн. сўмни ташкил этмоқда.

“Бир маҳалла — бир маҳсулот” тамойили асосида аҳолига деҳқончилик учун ажратилган 5,4 минг гектар майдонга эга 508 та контурда 90 млрд. сўмлик намунавий лойиҳа амалга оширилди. Агрегаторлар бириктириш орқали 144,4 минг тонна юқори даромадли маҳсулот етиштирилди.

Тан олиш керакки, “Сайхунобод тажрибаси”га дастлаб шубҳа билан қаровчилар бўлганди. Аҳоли ўртасидаги тушунтириш ва уларнинг бу ҳаракат истиқболига бўлган ишончини мустаҳкамлаш борасидаги ишлар бесамак кетмади. Бу — эришилган натижаларда акс этмоқда. Бир сўз билан айтганда, ушбу тажрибанинг жорий этилиши республикада иқтисодий ўсишга замин яратди.

ИСЛОҲОТ



Интернет тармоғида БУКМЕКЕРЛИК ФАОЛИЯТИНИ амалга оширишга рухсат этилади.



1 январдан давлат мактабгача таълим ташкилотларида болалар таъминоти учун ОТА-ОНАЛАР ТЎЛОВИ миқдори ошади.



Айрим таълим ташкилотлари коммунал харажатларининг 50 ФОИЗИ қоплаб берилади.

ТАКЛИФ

ТАЖРИБА

Ўз тинчини ўйлаган тадбиркор бўлолмайди

“Аёллар дафтари”да рўйхатда турган Гулнисо Иннатуллаева тадбиркорлик билан шуғулланиш нияти борлигини айтганда, таниш-билиш, яқинлари фикридан қайтаришга уринган. Бу — меҳнат, машаққат талаб қилишни таъкидлаб, яхшиси тинчгина юришни маслаҳат берган. Катта ишни бошлаш учун ё зарр, ё зўри бўлиши кераклигини айтган.



Азамат АБУЛХАЙРОВ, Зарафшон шаҳридаги “Геолог” маҳалласи ҳоким ёрдамчиси.

У билан суҳбатлашиб, аввало, юрагидаги кўркувни аритишга ҳаракат қилдим. Ҳаммаси ўз кўлида эканини, хоҳласа, интилса, ниятига етишни тушунтирдим. Бунинг учун яратилган шароитлар билан таништирдим. Кичик бизнесни бошлаб, катта тадбиркорга айланган тендошларини ибрат қилиб кўрсатдим. Ниҳоят, фикримиз бир нуқтада бирлашди. Гулнисо Иннатуллаева миллий ширинликлар, пишириқ тайёрлашга ихтисослашган корхона очишга аҳд қилди. Бунинг учун 35 миллион сўм имтиёзли кредит олди. Дастлаб уй шароитида бошлаган фаолиятини бир йил ўтмай кенгайтирди. Зарафшон шаҳар марказий деҳқон бозорида махсус дўкон очди. Эришган натижаси, ҳаракати ва хоҳишига кўра, “Кичик бизнесни ривожлантиришни молиявий ва институционал қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарори асосида 100 миллион сўм имтиёзли кредит ажратдик. Натижада қўшимча 5 та янги

иш ўрни яратди. Шу йўналишда етакчи тадбиркорга айланди. Ижтимоий реестрда рўйхатда турган Амал Иброҳимов ишсизликдан азият чекарди. “Маҳалла еттилиги” ходимлари тақлифи билан “Сайхунбод тажрибаси” асосида бизнес лойиҳа ишлаб чиқди. Унга “Бизнесга биринчи қадам” лойиҳаси доирасида кўзқорин етиштириш учун 17 млн. сўм имтиёзли кредит бердик. Мавсум давомида бир тоннагача маҳсулот тайёрлади. Ҳозир даромади ўртача 30-40

млн. сўми ташкил этапти. Қисқа вақтда етакчи тадбиркорга айланди. Нафақат маҳаллага, ҳатто Томди тумани аҳолисига 1 000 та кўзқорин қопчасини етказиб бермоқда. Бу билан кўшни туман аҳолисида кўзқорин етиштириш кўникмаси шаклланишига ва аҳоли бандлиги таъминлинишига эришилмоқда. Қолаверса, тадбиркор балиқ боқишни йўлга қўйган. Яратилган имкониятдан тўғри фойдаланиб, ҳаётини ўзгартира олган бундай инсонлар кам эмас. Элдор Маматқулов мебель яшаш бўйича хунарга эга бўлса-да, маблағдан қийналарди. Хонадонма-хонадон ўрганиш жараёнида унга имтиёзли кредит беришни келишиб олдик. Бугун Элдор мебель ишлаб чиқаришга ихтисослашган “Махон — 2007” хусусий корхонаси раҳбари. Ўзи билан яна 3 нафар маҳалладошининг бандлиги таъминланган. Шу каби ҳара-катларимиз самарасида ишсизликдан холи худудга айланаяпти. Йил

бошида рўйхатга олинган 225 нафар ишсизнинг 220 нафари ишли бўлди. Камбағал оилалар билан ишлашда ижобий тажриба яратганмиз. Йил бошида 12 та оила рўйхатга олинган эди. Уларни аста-секин камбағалликдан чиқаряптимиз. Фарзандини ёлғиз ўзи катта қилаётган Махлиё Исоева билан суҳбат жараёнида қизиқиши, қобилияти ўрганилди. Бу аёлга озроқ елка тутилса, тикувчилик йўналишида ўзини ўзи банд қилиши аён бўлди. Шу тариқа унга субсидия асосида тикув машинаси олиб бердик. Ҳозир хонадонда буюртма бўйича либос тикипти. Кунлик даромад — 80 минг сўм. Кези келганда, бир таклифни билдирмоқчиман. Фаолиятимизда гоҳида имтиёзли кредит олиб, қайтармай юрганлар учраб турибди. Афсуски, уларнинг қарздорлиги ҳоким ёрдамчилари зиммасига тушмоқда. Шу боис имтиёзли кредит ажратиш тартибини қайта кўриб чиқиш керак.

“ЯНГИ ИШ ЎРНИ УЧУН ИМКОНИАТ ҲАМ, ШАРОИТ ҲАМ ЕТАРЛИ”

Маҳалла “драйвер”и — деҳқончилик, чорвачилик ва балиқчилик. Аҳоли сони 4 минг 222 нафар. Йил бошидаги хатловда 44 нафар ишсиз аниқланганди. Ҳозир 7 нафар қолди. Аксариятини ўсиш нуқтамиздан фойдаланиб, банд қилдик.

Иссиқхоначилик орқали даромадини ошираётганлар талайгина. Улардан бири — Содиқ Турдиев. Асли касби ҳисобчи. Мўъжазгина иссиқхонада мандарин, лимон, апельсин, папая каби цитрус мева парваришляпти.



Даставвал, тадбиркор иссиқхонадаги қўчатлар ҳосилга киргунча, помидор, бодринг, турли хилдаги кўкатларни етиштирди. Бугун етилган мевалардан йилига 40-50 миллион сўм даромад қиялпти. Бундан ташқари, хонадонда Австрия давлатидан келтирилган 2 бош насли эчки парваришляпти. Кунига 2-3 литр сўт соғиб олади. Оила аъзолари истеъмолидан органини кўни-кўшиларга сотаяпти. Бугун эчкилар сони 6 бошга етди. Ҳар бири бозор нархида 500 доллардан баҳоланади.

Абрайкул Нормуродов кўп йиллардан буён асаларичилик билан шуғулланади. Ҳозирги кунда юз қутидан зиёд асалариси бор. Бу хунар билан шуғулланиш — нафақат инсон саломатлиги, балки табиат, қишлоқ ҳўжалиги учун фойдали. Шу билан бир қаторда оилавий даромади ошапти, рўзғори бут бўляпти.

Бахтиёр Нормуродов турмуш ўртоғи Зулхумор Эртамова билан 6 нафар фарзандни тарбиялаб, 2 сотих иссиқхонада помидор парваришлямоқда. Шунингдек, 2 минг тупдан кўп гул қўчати мавжуд.

Ишсизларнинг бандлигини таъминлашда томорқачиликка урғу беряптимиз. Мисол учун, ижтимоий реестрда рўйхатда турган Алишер Мустафоев хонадонига 2 сотих иссиқхона куриб бердик.

“Аёллар дафтари”да рўйхатда турган Нодира Йўлдошева билан суҳбатлашганимизда тикувчиликка қобилияти борлигини аниқладик. Шунинг учун унга субсидия асосида тикув машинаси олиб бердик. Натижада ўзини ўзи банд қилиб, хонадонда буюртма асосида либос тикишни йўлга қўйди. Даромади ойига 4 миллион сўмга етапти.

Янги иш ўринлари яратиш учун бундан-да, катта имкониятга эгамиз. Масалан, худудимиздан Олтинсой дарёси оқиб ўтган. Бу — балиқчиликни ривожлантириш орқали иш ўринлари яратиш, дегани. Тадбиркор Элдор Давлатов шу йўналишда бизнес режа тақдим этган. Агар лойиҳа учун дарё бўйидан бўш ер берилса, корхонада 6 та янги иш ўрни яратилади. Бу таклифни туман ҳокимлигига тақдим этиб, 2025 йилги бандлик дастурига киритганимиз. Яна бир таклифим — бўш турган бино ўрнида “Маҳалла гузари” ташкил этмоқчимиз.

Шерзод МЕЛИҚУЛОВ, Шўрчи туманидаги “Яккабоғ” маҳалласи ҳоким ёрдамчиси.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Умиджон ҲАЙИТОВ, Андижон шаҳри:

— Хусусий тадбиркор сифатида 5 йилдан бери фаолият олиб бораман. Мебель ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхонада 10 та иш ўрни яратганман. Ҳозирда иш ўринларини янада кенгайтириш учун молиявий кўмакка муҳтожман. Шу вазиятда тижорат банкдан 100 миллион сўмгача имтиёзли кредит олсам бўладими?

“100 МИЛЛИОН СЎМ ГАРОВСИЗ КРЕДИТ ОЛСАМ БЎЛАДИМИ?”

Аброрбек ЭЪЗОУХОНОВ, Адлия вазирлигининг “Мадад” ННТ ҳуқуқшуноси:

— Ҳа, бўлади. “Кичик бизнесни узлуксиз қўллаб-қувватлаш” комплекс дастурини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарорига кўра, бир лойиҳа доирасида 300 миллион сўмгача микрокредитлар, шундан 100 миллион сўм гаровсиз қисми “Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси” акциядорлик жамияти маблағлари ҳисобидан, 200 миллион сўмгача қисмини банклар ва микромолия ташкилотларининг ўз маблағлари ҳисобидан ажратилади. Гаровсиз ажратилган 100 миллион сўм доирасида микрокредитлар бўйича кредит таваккалчилигини давлат ва микрокредит берувчилар ўртасида тақсимлаш ёки улар

бўйича Компаниянинг портфель кафилигини тақдим этиш белгиланган. Микрокредит берувчилар ўз маблағлари ҳисобидан ажратилган 100 миллион сўмгача гаровсиз маблағни қайта молиялаштириши назарда тутилган. Дастур доирасида 100 миллион сўмгача гаровсиз микрокредитлар барча микрокредит берувчилар томонидан камида бир йил мобайнида фаолият юритаётган ва ижобий кредит тарихига эга бўлган кичик тадбиркорлик субъектларига ажратилади. Бунда кичик тадбиркорлик субъектларини танлаб олишда бошқа талаблар ва мезонлар киритилишига йўл қўйилмайди. Юқоридагиларга асосан, сиз 5 йил мобайнида фаолият юритаётганингиз сабабли 100 миллион сўм имтиёзли кредит олсангиз бўлади.

Бир сотихдан 6 миллион сўм даромад топишни истайсизми?

Юртимизда йилнинг тўрт фаслида юқори ҳосил олиб, яхши даромад топиш мумкин. Бунинг учун хоҳиш-истак, интилувчанлик ва тиришқоқлик талаб этилади. Таъкидлаш лозимки, бугунги кунда нафақат қишлоқларда, балки шаҳар худудида деҳқончилик қилиш омма-лашди.



Шуҳрат ОТАЖОНОВ, Қишлоқ ҳўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази директори.

Кувонарлиси, ҳар қарч ердан унумли фойдаланиб, турмуши фаровонлигини таъминлаётган юртдошларимиз сафи кундан-кунга кенгайиб бормоқда. Уларнинг аксарияти томорқада иссиқхона куриб, сархил маҳсулот етиштирмоқда.

Иссиқхоначиликка талаб ортган. Аммо барча бу йўналишда етарли билимга эга эмас. Шу боис уй шароитида даромад манбаи ҳисобланган иссиқхоналар куриш ҳақида маълумот берамиз. Дастлабки ишни иссиқхона курилишидан бошлаймиз. Агар томорқангизда бир сотих ер бўлса, камида 6 миллион сўм фойда кўриш имкониятингиз мавжуд. Бу иш унчалик кўп харажат ва

вақт талаб қилмайди. Энди 15-20 йил аввалгидек, ойна билан ёпилган, баланд ва тўрт бурчакли бино шарт эмас. Ҳозир оддий шароитда плёнкали иссиқхона кенг тарқалган. Нега ойнали эмас? Сабаби, плёнкали иссиқхона кўп қулайлик ва афзалликка эга. Биринчидан, куриш ва йиғиш жуда осон. Қолаверса, енгил ҳамда арзон. Иккинчидан, кун кизиб кетганида йиғиб қўйиш кўп вақтнинг олмайди. Бир сотихга иссиқхона куриш учун 8 дона 3 метрлик арматура, 36 метр металл сим, 1 та металл сим ўрами, 80 метр полиэтилен ҳамда транспорт, иситиш, ўғит харажатлари кетади. Майдон узунлиги 18-20 метр, эни 6 метр бўлиши лозим. Бунинг учун тупроқ 20 сантиметр чуқурликда қовлангач, шу ернинг ўзидан эни 30-35 сантиметр, бўйи 45-50 сантиметр пойдевор кўтарилди. Сўнг икки ёнига 2,8 ёки 3 метр баландликда 8 дондан устун ўрнатилади. Оралиғида баландлиги 80 сантиметр, эни 40 сантиметрлик шамоллатгич (туйнук) қолдирилади. Туйнук пишиқ гишт ёки пахса девор билан бекитилиб, сувқолаб ташланади. Устунлар устига кенлиги 5-8 сантиметр металл пайвандланади. Бу ишларнинг барчасига жами 2 миллион сўм сарфланади.

ДАРОМАД КАЛИТИ



“Uzbekistan Airways” илк бор бир йил ҳисобида 6 МИЛЛИОН НАФАР йўловчи ташиди.



Тошкентда автобус ва метрода нақд пул шаклдаги ЙЎЛКИРА НАРХИ 3000 сўмга ошади.



28 декабрдан 5 январгача ТОШКЕНТДАН ЧОРВОҚҚА мавсумий автобус қатнови йўлга қўйилди.

СЎРАГАН ЭДИНГИЗ...

Хабибулло ОМОНОВ.
Боғот тумани:

– Ўзим иқтисодчи бўлиб ишлайман. 2023 йил октябр ойидан буён суяк сил касаллиги бўйича меҳнатга лаёқатсизлик варақасида тураман. Айтингчи, менга 2-гурух ногиронлиги белгиланса, меҳнат фаолиятини давом эттирсам бўладими? Шартнома бекор қилинмайдими?



НОГИРОНЛИК
БЕРИЛСА,
ШАРТНОМА
БЕКОР
ҚИЛИНАДИМИ?

Эгамберди ҚЎЗИБОВЕВ,
Боғот тумани ҳуқуқий маслаҳат бюроси бош мутахассиси:

– “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”ги қонуннинг 42-моддасига кўра, ногиронлиги бўлган шахс одатдаги меҳнат шартномина эга ташкилотларда, ногиронлиги бўлган шахсларнинг меҳнатидан фойдаланувчи ихтисослаштирилган корхоналарда, цехларда ва участкаларда ишлашга, шунингдек қонунчиликда тақиқланмаган яқка тартибдаги меҳнат фаолиятини ёки бошқа фаолиятни амалга оширишга ҳақли.

Ходим бажариши лозим бўлган ишни удалашидан қатъи назар, агар тиббий хулосага кўра, у ушбу ишни бажариши тўғри келмаса ёки меҳнат жамоаси аъзолари ёхуд улар хизмат қиладиган фуқаролар учун хавф туғдирсагина, меҳнат шартномаси соғлиғи ҳолатига кўра бекор қилинишига йўл қўйилади. Агар ходим унга топширилган ишни удаласа, тиббий хулосага кўра соғлиғининг ёмонлашуви, шунингдек, ходимга ногиронлик берилиши меҳнат шартномасини бекор қилиш учун етарли сабаб бўлиб ҳисобланмайди.

Демак, юқоридагилардан хулоса қилсак, ходимга ногиронлик берилиши меҳнат шартномасини бекор қилиш учун етарли сабаб бўлиб ҳисобланмайди. Қачонки агар тиббий хулосага кўра, ходим ушбу ишни бажариши тўғри келмаса ёки меҳнат жамоаси аъзолари ёхуд улар хизмат қиладиган фуқаролар учун хавф туғдирсагина, меҳнат шартномаси соғлиғи ҳолатига кўра бекор қилиниши мумкин.

22 нафар ёшлар етакчиси тил ўрганиш сертификатига эга

Туман миқёсида “Ёшлар бандлиги дастури” асосида 363 нафар ишсиз ҳамда 677 нафар меҳнат бозорига энди кириб келган йигит-қизлар бандлиги таъминланди. Бу жараёнда уларнинг 46 нафари доимий иш ўринларига жойлаштирилди, 25 нафари касб-хунарга ўқитилди, 20 нафари касб-хунарга ўқитилди, 20 нафарига субсидия асосида меҳнат қуроли, 242 нафарига деҳқончилик учун экин майдонлари берилди, 30 нафарига тадбиркорлик учун кредит ажратилди.

Ҳасан Тўраев,
Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Бандихон тумани бўлими бошлиғи.

Худудда 400 гектар ер майдони 900 нафар ёшга ажратилиши режалаштирилган бўлиб, шундан 368 гектари 645 нафар ёшга берилди. Ёшлар бу ерларнинг 75 гектариди сабзавот, 120 гектариди полиз, 90 гектариди дон ва дуккакли, 40 гектариди мойли ва ем-хашак экинлари, 43 гектариди бошқа турдаги экинларни етиштириши. Шунингдек, миграция асосида тартибли равишда Германияга кетиш истагидаги 50 нафар ёш немис тили курсларида ўқитилди. Курс харajatларини қоплаш мақсадида 50 млн. сўм ажратилди.

Ёшлар маънавиятини юксалтириш ва бўш вақтини мазмули ташкил этиш борасида “Беш ташаббус олимпиадаси” муҳим ўрин тутмоқда. Жорий

йилда 18 минг 22 нафар ёш унда қатнашиш учун ариза қолдирди. Бугунгача 17 минг 278 нафари 27 та йўналишдаги танлов ва мусобақаларга жалб қилинди.

Юртимизни яшил маконга айлантиришда ўз хиссасини қўшаётган йигит-қизларнинг шижоати ва ташаббускорлиги алоҳида мактовга лойиқ. Жорий йил кузги кўчат экиш мавсумида 431 нафар ёш 4 295 туп кўчат ўтказди. Экилган кўчатларнинг 3 570 таси “Yashilmakon.eco” электрон платформасига киритилди.

Йигит-қизларнинг тил ўрганиши ва замонавий касбларга ўқиши учун кенг имкониятлар яратилди. Туманда “Хар бир маҳаллада икки нафар дастурчи” лойиҳаси доирасида 37 нафар ёш тегишли сертификатларни қўлга киритди. “Ибрат фарзандлари” лойиҳасида 4 784 нафар ёш онлайн тил ўрганиш курсларига қамраб олинди, шундан 142 нафари сертификат сохибига



айланди. Эътиборлиси, уларнинг 22 нафарини маҳалла ёшлар етакчилари ташкил қилади.

Туманда 22 та маҳалла мавжуд бўлиб, ҳозирги вақтда барчасида ёшлар етакчилари фаолият юритмоқда. Уларнинг 16 нафари олий, 6 нафари тугалланмаган олий маълумотга эга. 12 нафари ўз хонасига эга, 10 нафари “маҳалла еттилиги” билан умумий хонада хизмат олиб боради. Уларнинг самарали иш олиб бориши учун барча шароитлар яратилган. Умуман олганда,

“маҳалла еттилиги” фаолиятини самарали йўлга қўйиш, ёшлар муаммоларини ҳал этиш, йиғинларни ишсизлик, камбағаллик, жиноятчилик, оилавий ажралиш ва миграциядан холи худудга айлантириш бўйича туманда зарур чоралар қўрилмоқда. Шу билан бирга, ижтимоий химояга муҳтож ва жамиятга фаол бўлмаган ёшлар билан манзилли ишлаништириш, улар ўртасида интеллектуал соғлом рақобатни шакллантириш орқали ҳаётга интилишини оширишга уриналмиш.



Оддий қишлоқ аёлининг шижоати ибратга арзигулик

Хотин-қизлар фаоли сифатида иш бошлаганимга икки йил бўлди. Шу вақт мобайнида худуд аёллари, қизлари билан ишлар эканман, уларнинг мушкуллини енгил қилишдек масъулиятли вазифа ҳаётимнинг бир қисмига айланди.

Фароғатхон ҲАСАНОВА,
Ёзёвон туманидаги “Гастон” маҳалласи хотин-қизлар фаоли.

Хозирги кунга қадар маҳалладаги хотин-қизларга турли йўналишларда кўмак кўрсатдик. Биринчи навбатда, “Аёллар дафтари”, “Темир дафтар” рўйхатлари шакллантирилиб, улар орқали эҳтиёжманд, тураржойи йўқ ёки таъмирга муҳтож, боқувчисини йўқотган, 3-гурух ногиронлиги бўлган ва қарамоғида ногирон фарзанди бўлган аёллар белгилаб олинди. Бу тоифадагиларни касб-хунар эгаллашда рағбатлантириб, субсидия асосида тикув машиналари олиб бердик. Дарҳақиқат, хунар аёлга зеб беради. Хозирда 20 нафар аёл ўз уйда кийим-кечак тикиб, кунлик даромад топяпти. Дастурхон, кўрпа-тўшак тикиб, бозорга чиқарапти. Деҳқончилик қилиш истагини билдирганларга 33 млн. сўмгача имтиёзли кредит олиб бердик. Бунинг эвзига кўплаб аёллар сабзавот уруғини ерга қадаб, етиштирган махсулотини бозорга сотишни йўлга қўйди.



Хозирги кунда аёлларнинг фикри анча теран, дунёқараши кенг. Улар орасида кредит, субсидия олишдан кўрқмай, фаолиятини бошлаган ва юқори даромадни қўлга киритганлар талайгина. Биргина деҳқончиликнинг ўзидан 3 марта ҳосил олиб, анча-мунча фойда кўрмоқда. Кишда кўчат экиб қўйса, эрта баҳорда униб, айна йўғон чўзилиб, ингичка узилар вақтда яхшигина даромад олиб келади. Ундан сўнг ўрнига қайта ишлов берилиб, картошка экилади. Ёзгача

тайёр бўлган картошкалар қазиб олинди, ўрнига яна боднинг ёки помидор етиштирилади. Буни қарангки, қисқа муддат ичида бир нечта экиндан мўмайгина фойда олишади. Бунинг учун, албатта, катта меҳнат, куч сарф қилинади. Меҳнати оғир, бироқ ердан яхшигина даромад келишини билган аёллар баҳор келиши билан яна доимгидек ишга шўнғиб кетади.

Шундай маҳалладоши-миздан бири Ҳабибахон Деминовага барчанинг ҳаваси келади. Утган йили битта

сигир олиб, шунки кўпайтирди. Бундан ташқари, 12 сотих-ли томорқасида замонавий иссиқхона қуриб, лимон кўчатини қадади. Кўчат остида булғор қалампирни етиштирди. Бир мавсумдан ундан 20-25 млн. сўм даромад қилди. Ҳам уйда фарзанд тарбияси, ҳам деҳқон хўжалиги билан банд, ҳам бозорга махсулот етказиб беради. Унинг 2 нафар фарзанди олий таълим муассасасида ўқияпти. Аёл боши билан уларни таъминлаб келяпти. “Болаларим ҳеч нарсага зорикмасин, ўртоқларидан кам бўлмасин, келажакда бирор

касб эгаси бўлсин”, деб ҳаракатдан тўхтамаслигини айтади. Оддий қишлоқ аёлининг ана шундай шижоати, меҳнат-кашлиги бошқаларга ўрнақ қилиб кўрсатишга арзийди.

Боқимандаликни ўзига эп кўрмай, иш билан машғул бўлишни афзал билган ногиронлиги бор аёллар талайгина. Баъзан мана шундай қисмат эгалари ногиронлиги сабаб уйдан чиқолмай, одамлардан ажралиб қолаётганини айтиб қолишади. Бу ҳолатга ечим излаб, қандай бўлмасин, уларга ёрдам бериш пайида бўламан. Хар бирини маънан қўллаб-қувватлаб, жамиятда ўз ўрнини топишига кўмаклашсини кўнглимга туганман. Шу мақсадда бир нафар ногиронлиги бор аёлга уйига тикув машинаси олиб беришни мўлжаллаётиман. Унга тикувчи мутахассис бириктириб, ушбу хунар сирларини ўргатамиз. Шунда ҳам одамлар уйига келиб-кечиб, улар билан овунди, ҳам оиласига даромад келтиради. Иш билан овора бўлиб, ғам-қайғулари унутилса, ажаб эмас!

Тақлимим шундан иборатки, боқувчисини йўқотган, эҳтиёжманд аёлларга субсидия асосида тикув машиналари олиб берилиб, иш билан таъминлангунга қадар уларга 2 миллион сўмдан кўмак пули ажратилса, яхши бўларди. Шунда улар ўзини тиклаб олгунча кунлик истеъмол харажатлари қопланиб, бошқалардан ёрдам кутмасди.

ҚИЁФА

МЕНДА САВОЛ БОР...

Одил ЛАТИПОВ,
Қарши шаҳри:

– Бир йилдан ортиқ вақтдан бери хоржий корхонада ишлайман. Яқинда мени ҳарбий хизматга чақирди. Бир ойлик армияга боришга қарор қилдим ва шартнома туздим. Менга маблағ зарур. Ишхонам ҳарбий хизматдаги вақтим учун иш ҳақини тўлаб берадими?

“ҲАРБИЙ ХИЗМАТГА КЕТМОҚЧИМАН, ИШ ҲАҚИ САҚЛАНДИМИ?”

Муродулло ЭШНАЗАРОВ,
Қарши шаҳар адлия бўлими бошлиғи:

– Ишхона сизга армияда бўлган пайтингиз иш жойингизни сақлаб, сизга иш ҳақи тўлаб беради. Ўз ҳисобингиздан тавтил олишга ҳожат йўқ.

Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг сафарбарлик чактури резервдаги хизматини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан, ҳарбий йиғинлардан ўтиш даврида, уларни ўтказиш жойига бориш ва қайтишга кетадиган вақтни қўшиб ҳисоблаганда, сафарбарлик чактури резерви хизматчиларининг иш жойларида уларнинг иш ўрни (лавозими) сақлаб турилади.

Меҳнат кодексининг 282-моддасига асосан, иш берувчи ҳарбий мажбуриятларни бажараётганда уни ишдан иш жойини (лавозимини) ва ўртача ойлик иш ҳақини сақлаган ҳолда озод этиши шарт.



Хукумат
Тошкент шаҳрининг
2045 йилгача бўлган
БОШ
РЕЖАСИНИ
тасдиқлади.



Тажриба-синов
тариқасида ҳар бир
туман (шаҳар)даги
биттадан давлат
боғчасида ИНКЛЮЗИВ
ТАЪЛИМ гуруҳлари
очилади.



Умумий
овқатланиш
корхоналари
ҚҚСнинг бир қисми
кешбэк шаклида
қайтарилди.

ҲОЛАТ

Муаммосига ўзи ечим топадиган ёшларга кўмак беринг!

Худуд бўйича ҳар бир маҳаллада “Ёшлар баланси” шакллантирилди ва бу орқали 25 минг 64 нафар йигит-қиз уч тоифага ажратилиб, улар билан индивидуал ишлаш тизими жорий этилди.

Дилшод ҲУСЕНОВ,
Ўзбекистон маҳаллалари
уюшмаси Зарафшон шаҳар
бўлими бошлиғи.

Зарафшон шаҳридаги алоҳида кўмакка муҳтож “қизил” тоифадаги 97 нафар ёш 14 та корхона ва ташкилот раҳбарларига бириктирилган. Барча раҳбарлар ёшлар билан учрашиб, уларнинг 14 та муаммосига ечим топди. Хусусан, 7 нафари ишга жойлаштирилди, 5 нафарига кредит олишда кўмаклашилган бўлса, 1 нафари касб-хунарга ўқитилди ва яна 1 нафарига асбоб-ускуна олиб берилди.

Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган йигилишидаги белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, ҳуқуқ-тартибот ва муҳофаза органларига республика миқёсида 4 миллион ёш бириктирилиб, уларни оталиққа олиш тизими жорий этилган. Айни йўналишда шаҳарда 8 992 нафар ёшга 62 нафар ходим масъул этиб тайинланди. Тарбияси оғир ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва улар билан манзилли ишлаш мақсадида 10 кунлик махсус дастур асосида “Жасорат мактаби” ҳарбий-ватанпарварлик йиғинлари ўтказилди.

“Ёшлар дафтари” жамғармаси ҳисобидан ижтимоий-иқтисодий муаммоси мавжуд 310 нафар йигит-қизга турли ёрдамлар кўрсатилди. Хусусан, улар-

га бир марталик моддий ёрдам ажратилди, касб-хунар ва автомобил-транспорт воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш курсларига ўқитилди, субсидия асосида асбоб-ускуналар ва меҳнат қуроллари олиб берилди, профессионал ва олий таълим муассасалари учун тўлов-шартнома пуллари тўлаб берилди.

Ёрдам самарали фойдаланиш, экинлардан юқори ҳосил олиш мақсадида дехқон ҳўжалиги фаолияти билан шуғулланаётган ёшларни сектор, кластер ва фермер ҳўжаликлари раҳбарлари патронажга олиш тизими жорий қилинди. Бу жараёнда “устоз-шогирд” тамойили асосида ёшларга ажратилган ер участкаларини ўзлаштириш, агротехник тадбирларни ўтказиш, ерлар ҳосилдорлигини ошириш, етиштирилган маҳсулотни сотиш масалаларида ёрдам кўрсатилди.

Зарафшон шаҳрида “Ёшлар саноат ва тадбиркорлик зонаси” ташкил этилмоқда. Эндиликда бу орқали ёшларнинг тадбиркорликка оид ташаббуслари, стартап-лойиҳалари ва амалий тадқиқотлари рўёбга чиқишига кўмаклашилади. Бу ҳолатда дастлаб ёшларга тадбиркорлик фаолиятини бошлаши ва юритиши учун аукционсиз ер майдонлари ажратилди, саноат ва хизмат кўрсатиш йўналишидаги лойиҳалари қўллаб-

қувватланди.

Ёшлар билан ишлаш жараёнида имконияти чекланган, ноғиронлиги бор йигит-қизлар доимий эътиборимизда. Шу мақсадда “Биз бир сафдамиз!” широйи остида “Эътибордагилар” лойиҳаси ўтказилди. Унинг доирасида ноғиронлиги бўлган ёшларнинг жамиятга ижтимоий мослашувини таъминлаш, уларнинг касб-хунар эгаллашига кўмаклашиш мақсадида Ёшлар маркази ҳузурида пазандачилик, сартарошлик, рассомчилик, дизайнерлик, тўқувчи ва тикувчилик, компьютер саводхонлиги, техника жиҳозларини таъмирлаш каби 20 дан ортиқ касб ўргатадиган “Инклюзив марказ”лар фаолияти йўлга қўйилди. Шунингдек, 2 500 нафардан зиёд уйда таълим олаётган ўқувчи-ёшлар ҳолидан хабар олинди.

Худудда ислохотлар, қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари мазмун-моҳиятини ёшларга етказиш борасида самарали ишлаш ташкиллантирилган. Йигит-қизларга муносиб меҳнат шароитларини яратиб, уларнинг иқтисодий имкониятларини кенгайтириш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга кўмаклашиш мақсадида тинимсиз меҳнат қилмоқдамиз. Бундай саъй-ҳаракатлар орқали ёшларнинг ижтимоий фаоллиги янада ошиши, жамиятда ташкилотчилик ташаббусини ўз қўлига олиб, қобилиятини намоён эта олишига ишонамиз.



“Янги лойиҳам бор, аммо жой муаммо...”

Аввал ўзим ёшлар етакчиси сифатида мактабда ишлаганман. Кейин бу лавозим маҳалла даражасида жорий қилинди. Танлов асосида сўхбатдан ўтиб, ушбу вазифага тайинландим. Ёшлар етакчиси бўлгач, хонадонларда хатлов ўтказиб, ёшлар қизиқиши бўйича барча вазифаларни белгилаб олдим.

Биринчи навбатда, ёшлар бўш вақти мазмунли ўтиши учун шароит яратиш мақсадида спорт инфратузилмасини ташкил этишни режа қилдик. Маҳалламизнинг фаол ёшлари билан биргаликда “Ташаббусли бюджет” лойиҳасида иштирок этиб, 1 млрд. сўм маблағ ютиб олдик. Уч ой ичида футбол стадиони қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бундан ташқари, бу маблағ эвазига мини стадион, ёзги волейбол ўйингоҳи, иккита кийиниш хонаси ташкил этиб, куёш панели ўрнатишга эришдик.

Очиги, шу вақтгача маҳалламизда ва бу яқин атрофда футбол ўйнашга жой йўқ эди. Очиги майдонлар ёзда чанг, қишда лой бўлиб, ўйин ташкил этиш мушкул бўларди. Замонавий, чим қопламали стадион қурилгандан сўнг нафақат бизнинг ёшлар, балки ён-атрофдаги худудларда истиқомат қилувчи ўсмирлар оқими кўпайди. Катта спорт майдонининг очилиш маросимида “Ёшлар етакчиси” кубоги ташкил этилганда, қўшни йиғинлардан ҳам жамоалар қатнашгани фикримизни исботлайди.

Биринчи йил иш бошлаганимда мактаб спорт мажмуасидан фойдаланардик. Ушанда бизга топшириқлар берилган. Кечки пайда ёшлар вақтини мазмунли ташкил этиш учун уларни спортга жалб қилишимиз лозим. Бошида болаларга илтимос қилардим. Мусобақаларга жалб этишга қийналардим. Кейин лойиҳани “Ташаббусли бюджет”га қўйишни таклиф қилдим, ҳолос. Қолганини ёшларнинг ўзи бажарди. Ҳозир мажмуа ишга тушгач, кечки соат 22.00 гача бемалол футбол ўйнашга барча қулайликлар мавжуд.

Ҳозир спорт турларини кўпайтириб, тўғарақлар ташкил қилишга эътибор қаратаймиз. Мақсад — ёшларнинг бўш вақтини тўлиқ банд қилишга

эришишимиз. Шу ниятда боксга қизиқиш билдирган 56 нафар ёшни кучли мураббийларга бириктирдик. Волейбол, гандбол, футбол бўйича доимий ўйинлар уюштириб, ёшлар устоз-мураббийлар назоратида топширилди. Натижалар кўп қуттирмади: ўтган йили футбол бўйича “Беш ташаббус олимпиадаси” доирасида ДХХ кубогида туман бўйича биринчи ўринни, бу йил иккинчи ўринни эгалладик.

Йигит-қизларни бир мақсадга бирлаштириш ёшлар етакчисидаги боғлиқ. Бунинг учун, асосийи, етакчида мақсад ва ҳаракат бўлиши даркор. Ҳаракат қилганда натижа қилмагунча таслим бўлиш ярамайди. Ҳар бир ишга жонқуярлик билан ёндашиб, ташкилотчиликни йўлга қўйсак, болаларнинг мусобақаларга қизиқиши ошади. Бу йўлда шижоатли ёшларимиз рағбатлантирилса, спортга меҳр қўйиб, соғлом ҳаётга эришади.

Яқинда яна бир лойиҳани амалга оширишни кўзлабдим. Унга кўра, замонавий касблар ва хорижий тилларни ўқитиш учун тўғарақлар очиб, 150 нафар ёшни бепул ўқитишни режа қилганмиз. Яна бир томонида 3000 та китобни ўз ичига олган кутубхона ташкил этмоқчимиз. Бунинг учун ҳар томонлама қулай манзилда жойлашган бинони ҳозирладик. Бироқ муаммо шундаки, лойиҳани тўлиқ бажариш учун жой кичиклик қиялпти. Шу боис бино ёнидан яна жой ажратиш таклифини бермоқчиман. Бино кенгайтирилса, ҳам китобхона ёшлар мутолааси учун кутубхона, ҳам замонавий касблар ва хорижий тилларни ўқитиш учун тўғарақлар ташкил этиларди. Натижада ёшлар таълимга ва китоб мутолаасига етарлича эътибор қаратиб, ўз устида ишлашида имкон яратиларди.

Ҳайитбой ҲАСАНОВ,
Сўх туманидаги “Сариканда”
маҳалласи ёшлар етакчиси.



.....

“ФАРЗАНДИМ ОҒИР КАСАЛ, МОДДИЙ ЁРДАМ БЕРИЛАДИМИ?”

СўРАГАН ЭДИНГИЗ...

Малика ҲАЙДАРОВА,
Оқолтин тумани:

— Педагогман, 2 ёшли фарзандим оғир касалга чалинган. Юридик марказга моддий ёрдам сўраб, ариза ёзсам, у ердагилар фақат ходимнинг ўзи касал бўлганда моддий ёрдам берилади, деб аризамни рад қилишди. Шу тўғрими, фарзандим учун моддий кўмак ололмайманми?

Алишер ЗИЁЕВ,
Оқолтин тумани
адлия бўлими бошлиғи:

— Вазирилар Маҳкамасининг 2019 йил 30 сентябрдаги тегишли қарори билан тасдиқланган “Умумий ўрта таълим муассасаларининг ўрнатилган ходимларини рағбатлантиришнинг директор жамғармасини ташкил этиш ва унинг маблағларидан фойдаланиш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 33-бандига кўра, умумтаълим муассасалари ходимларига моддий ёрдам календарь йил давомида икки лавозим маоши (ўқитувчининг тариф ставкаси) миқдоригача ходимнинг ўзи ва яқин қариндоши (отаси, онаси, турмуш ўртоғи, фарзанди) вафот этганда, оғир касалликка чалинганда, ходим табиий офатдан зарар кўрганда кўрсатилади.

Эътибор беринг, “ходимнинг ўзи ва яқин қариндоши (отаси, онаси, турмуш ўртоғи, фарзанди) вафот этганда, оғир касалликка чалинганда”, дейилмоқда. Яъни нафақат ходим, балки унинг яқин қариндоши (отаси, онаси, турмуш ўртоғи, фарзанди) оғир касалликка чалинса ҳам моддий ёрдам берилиши мумкин. Энди кейинги жумлага эътибор беринг, “ходим табиий офатдан зарар кўрганда”, яъни бу ҳолатда айнан ходим табиий офатдан зарар кўриши керак, яқин қариндоши билан бундай ҳолат юз берса, моддий ёрдам берилмайди.

Демак, юқоридагилардан хулоса қилсак, нафақат ходим, балки унинг яқин қариндоши (отаси, онаси, турмуш ўртоғи, фарзанди) оғир касалликка чалинса ҳам моддий ёрдам берилиши мумкин.

“ЯҚИНДА НИКОҲДАН ЎТАМИЗ...”

ҲУҚУҚ

Ўқтам ТОШМАТОВ,
Бекобод тумани:

— Унаштирилган қизим билан битта ташкилотда ишлаймиз. Яқинда никоҳдан ўтамыз, ташкилот раҳбарига моддий ёрдам учун алоҳида-алоҳида ариза ёзиб, қиритмоқчимиз. Бу ҳолатда иккаламизга ҳам моддий кўмак ажратиладими?

Илёс ЮСУПОВ,
юрист, адвокат:

— Моддий ёрдам бериш ҳақидаги масала Меҳнат кодексига акс этмайди. Мазкур кодекснинг 34-моддасидаги меҳнат соҳасидаги ижтимоий шериклик орқали кодекснинг 65-67-моддаларига асосан, жамоа шартномасида ходимга уйланган ёки турмуш қурган пайтида иш берувчи ҳисобидан моддий ёрдам бериш назарда тутилиши мумкин. Агар шундай шарт сизнинг жамоа шартномангизда ёки бошқа ички ҳужжатларда акс этган бўлса, ҳар иккинчисига алоҳида-алоҳида моддий ёрдам берилиши лозим.



Энди банклар қарз юки 50 фоиздан ортик бўлганларга КРЕДИТ БЕРМАЙДИ.



Камбағал оилалар реестридаги иш билан банд бўлган шахс учун ИЖТИМОЙ СОЛИҚ 1 фоиз ставкада тўланади.



ЧИҚИНДИЛАРНИ ТАШИШ лицензияланадиган фаолият турлари қаторига киритилади.

НАТИЖАЛАР ЯХШИ, ЛЕКИН БАЖАРИЛИШИ ЗАРУР БЎЛГАН ИШЛАР КЎП

ФИКР

Ортада қолаётган 2024 йил барча соҳалар қатори маҳаллалар ҳаётида катта ўзгаришлар бўлди. Давлат раҳбарининг ташаббуслари асосида ташкил этилган "маҳалла еттичилиги" фуқароларнинг кўплаб муаммоларини ҳал этди, оғирини енгил, узоғини яқин қилди. Биргина Самарқанд вилоятидаги 1 126 та маҳаллада амалга оширилган ишларни кўриб, бу тизим нақадар муҳим ва ўз вақтида ташкил этилганига амин бўласан, киши.



Бугун "еттилик" ваколатига кирмайдиган вазифанинг ўзи қолмади. Ишсизликдан тортиб, бандлик, тадбиркорлик, ижтимоий химоя ва ёшлар масаласигача масъул. Вилоятда 1 декабрь ҳолатига кўра, 230 минг 619 нафар ишсиз ("Омбор китоби"га киритилган 85 569 нафар) фуқаронинг бандлиги таъминланди. Шунингдек, 6 575 нафар ёшга деҳқончилик учун 7 минг гектар ер майдони ажратилди. Вилоятда қабул қилинган дастурлар доирасида жорий йилнинг 11 ойи мобайнида 52 035 та лойиҳага 1 трлн. сўм миқдорда маблағ ажратилиб, 46 446 та янги иш ўрни яратилди.

"Сайхунбод тажрибаси"дан келиб чиқиб, 37 856 та хонадонда интенсив боғлар, паррандчилик, балик етиштириш, асал экспорти каби йўналишларда фаолият йўлга қўйилди.

Вилоятда йил бошида 98 420 та камбағал оила қайд этилган бўлса, 1 декабрь ҳолатига кўра, улардан 27 647 таси (2024 йилга мўлжалланган режага нисбатан 73,9 фоиз) камбағалликдан чиқарилди. Вилоятдаги ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан оғир бўлган ҳамда аҳоли муносабатлари кўп тушган ҳар бир туман (шаҳар) дан 1 тадан, жами 16 та маҳалла танлаб олиниб, муаммоларини ҳал этиш бўйича "Самарқанд тажрибаси" жорий этилди.

Маҳалла институтини ривожлантириш ва нуфузини оширишга алоҳида эътибор қаратилиб, уларнинг моддий-техник таъминотини яхшилаш мақсадида 2024-2026 йилларга мўлжалланган ҳар бир маҳалла биноларини қуриш ва реконструкция қилиш бўйича дастур тасдиқланган. Бугунги кунга қадар ушбу дастур доирасида 25 та маҳаллага янги бино қу-

рилди, 12 таси жорий, 5 таси капитал таъмирланди. 6 таси реконструкция қилинди. Қолган 42 та маҳалла хизмат биноларида қурилиш ва таъмирлаш ишлари давом этмоқда.

Кузатиш ва таҳлиллардан билимизки, йиғинларда Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси ва "маҳалла еттичилиги"нинг йил сарҳисобида қилинган ишлардан ҳалқимиз мамнун. Бироқ ўзига яраша камчиликларимиз, қилиниши зарур бўлган ишлар кўп. Шу боис тизимдаги ишларни тўғри йўлга қўйиш учун янада кўпроқ билим ва тажрибаларимизни ошириб, ташаббуслар кўрсатишимиз зарур.

Яқинда ана шу мақсадда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри ҳамда шаҳар ва туман бўлимлари фаолияти сарҳисоб қилиниб, ўқув-семинар ташкил этилди. Унда Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси раиси Қахрамон Қуронбоев вилоят раҳбарларининг 2024 йилда амалга оширган ишлари ва 2025 йилдаги режалар уюшмасидан хисоботини эшитди. Бу орқали тизимда йўл қўйилган камчиликлар, ютуқлар ҳамда қилиниши лозим бўлган ишлар таҳлил қилинди.

Семинар доирасида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар бошқармалари билан ҳудудларда амалга оширилган ишлар ҳақида мулоқот қилиб, ўзаро тажриба алмашдик. Қувонарлиси, мазкур ўқув-семинар орқали соҳадаги янгиликлар, қолаверса, янги билимларга эга бўлди. Бу, ўз навбатида, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси ходимларининг соҳавий билимларини мустаҳкамлашга, иш самарадорлигининг орттиришга, янги марраларни забт этишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Шерали ЙЎЛДОШЕВ,
Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Самарқанд вилояти бошқармаси бошлиғи.

“Жўраобод” да катта янгиликлар бор

Бўка туманидаги “Жўраобод” маҳалласи том маънода бунёдқорлик майдонига айланди. Маҳаллада кенг кўламли дастурларнинг амалга оширилиши юртимизда инсон кадрини улутланаётганидан, ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари таъминланаётганидан дарак беради.

Махфуза ОКБОЕВА,
Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Тошкент вилояти бошқармаси матбуот хизмати раҳбари.

Мазкур ҳудуд туман марказидан анча оғир – 30 километр узоқликда жойлашган. Шу боис, ундаги инфраструктура анча эскирган, бу эса маҳалла аҳли учун бир қатор қийинчиликларни юзага келтираётган эди. Республика ишчи гуруҳи мутасадди вазирлик ва идоралар, Тошкент вилояти ҳокимлиги билан биргаликда тегишли тартибда ўрганиш ишлари олиб борганидан сўнг, ҳудудда барча йўналишлар бўйича тизимли ишлар бажарилди. Жумладан, маҳалла биноси янгидан қурилди ва зарур жиҳозлар билан таъминланди. Унинг ёнида маҳалла болалари учун "Street workout" майдончаси, футбол стадиони, маҳалла гузари бунёд этилди.

Мазкур маҳаллада ишсизликни камайитириш ва даромадини ошириш мақсадида бир қатор йўна-

лишларда тегишли чоралар кўрилмоқда. Биринчи навбатда, аҳоли эҳтиёжи учун зарур бўлган маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ишга туширилди. Бу жараёнда 10 га яқин фуқаролар иш билан таъминланди. Шу билан бирга, 20 нафарга яқин аёллар тикувчиликка ўқитилиб, жойлардаги корхоналарга ишга жойлаштирилмоқда.

– Бугун маҳалламизда ўзгаришлар катта, – дейди "Жўраобод" маҳалла раиси **Мамасоли Жалилов.** – Қисқа вақт мобайнида йиғиннинг ички кўчалари, ичимлик сув, электр таъминоти яхшиланди. Аҳоли бандлигини таъминлаш ва мавжуд муаммоларни бартараф этиш бўйича тизимли ишлар бажарилди. Хонадонлар қайта таъмирланиб, маънан эскирган жиҳозлар янгиланди. Бу амалий ишларни бугун юртимизда маҳалла тизимида олиб борилаётган ишлар ва эътибор натижаси деб биламан. Ҳар бир хонадон тоторқасида тўқсонбости экинларни етиштириш йўлга қўйилди. Ўз тоторқасидан самарали фойдаланмаётган фуқаро-



лар билан тизимли ишлар ташкил қилиниб, саримсоқлиқ, кўкатлар экиш ишлари амалга оширилди. Республика ишчи гуруҳи вакиллари, масъул ходимлар ҳар бир хонадонга кириб, аҳолининг мавжуд муаммоларини бартараф қилиш чораларини кўришди. Бу борада "маҳалла еттичилиги" аҳолининг энг яқин кўмакчисига айланган.

Маҳалланинг беш километрга яқин ички кўчаларига шағал ётқизилди. Ҳудудда янги қурувлар тортилиб, тоза ичимлик сув муаммоси бартараф этилмоқда. Кўчалардаги симёғочлар алмаштириш ва беш километр махсус электр симлари тортилди. Бундан ташқари, 201 та хонадон атрофи чиқиндилардан тозаланди. 194 та оила тоторқаси шудгор қилиниб, баҳорги экин

учун тайёрланди. Айрим хонадонларнинг ташқи деворлари ва дарвозаси таъмирланди.

– Қишлоқда ишсизлик ва камбағалликни қисқартириш борасида тизимли ишлар амалга оширилди, – дейди Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Бўка тумани бўлими бошлиғи **Заҳиджон Обидов.** – Хусусан, 29 нафар ишсиз хотин-қизни тикувчилик йўналишида ўқитиш курслари ташкил этилди. Шунингдек, "Сайхунбод тажрибаси" асосида 9 нафар ишсиз фуқарога микролойиҳалар учун имтиёзли кредитлар ажратилди. 5 нафар фуқаро ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида рўйхатдан ўтказилиб, "Бизнесга биринчи қадам" лойиҳаси асосида чорвачилик, яна 5 нафар фуқарога "Оилавий тадбиркорлик дастури" доирасида паррандчилик йўналишида имтиёзли кредит ажратилди. Маҳалла гузаридида аҳолига сарпаторчилик, аёллар гузаллик салони, эшқўзлик, маиший техникаларни жиҳозлаш, озиқ-овқат махсулотлари, савдо дўкони каби маиший хизмат кўрсатиш марказини ташкил этиш бўйича 7 та лойиҳа ишлаб чиқилди.

Тадбиркорлик субъектларига тегишли бўлган бўш турган иккита бино ва иншоотда савдо дўконларини ташкил қилишга қаратилган лойиҳалар тайёрланди. Кўшимча 34 та лойиҳа шакллантирилди. Ҳудуднинг инфраструктурасини янгилашга олган ҳолда ҳамда ихтисослашганидан келиб чиқиб, "Зарбдор тажрибаси" асосида иккита лойиҳани ишга тушириш белгиланди.



Қайси соҳада иш кучига талаб юқори?

Иш берувчилар ва иш изловчилар ўртасидаги маълумотларнинг нотекис тақсимланиши – ахборот асимметрияси меҳнат бозори динамикасини шакллантиришда ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Муҳаббат АҲМЕДОВА,
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Макроиктисодий ва ҳудудий тадқиқотлар институти лойиҳа раҳбари.

Аслида иш берувчилар корхона талабларига тўла мос келадиган кўникма, тажриба ва интилишларга эга ходимларни осонликча аниқлаб ишга олишлари, иш изловчилар эса ўз малакаси ва афзалликларига энг мос лавозимларни самарали топиб, уларга муурожаат қилишлари керак.

Бироқ ахборот асимметрияси туфайли келиб чиқадиган номуносаблик нафақат мақбул мослаштириш жараёнига тўқсинлик қилади, лавозимларни тўлдирши ва муносиби иш топиш учун зарур бўлган вақтни узайтиради, балки инсон капиталини нотўғри тақсимлаш хавфини туғдиради. Натижада ходимлар ўз салоҳиятларидан тўлиқ фойдалана олмайдиган лавозимларда қолиб

кетади, иш берувчилар эса меҳнат унумдорлиги пасайиши муаммосига дуч келади. Бу эса узоқ муддатда иқтисодий ва ижтимоий ривожланишга сезиларли таъсир ўтказиши.

Иш берувчилар ўртасида ишчи кучига бўлган талабни баҳолаш бўйича доимий сўровлар ўтказиш меҳнат бозоридидаги касб ва кўникмаларга бўлган талаб таҳлили таълим дастурларини ишлаб чиқишда, бандлик ва кадрлар тайёрлаш соҳасидаги давлат сиёсатини такомиллаштиришда фойдаланилади. Шу боис ривожланган мамлакатларда иш берувчилар ўртасида ишчи кучига бўлган талабни баҳолаш бўйича доимий сўровлар ўтказилади. Энг муҳими, меҳнат бозоридидаги касб ва кўникмаларга бўлган талаб таҳлили таълим дастурлари ишлаб чиқишда, бандлик ва кадрлар тайёрлаш соҳасидаги давлат сиёсатини такомиллаштиришда фойдаланилади. Масалан, Германия, Польша, Финляндия ва бошқа бир қатор мамлакатларда ишчи

кучига бўлган талабни аниқлашга қаратилган бандлик барометрлари доимий равишда иш берувчилар орасида онлайн сўров ўтказиш орқали шакллантирилади.

Ўзбекистон меҳнат бозоридида эса ишчи кучига бўлган талабни мутахассисликлар кесимида ўрганиш тизими йўлга қўйилмаган. Натижада ишчи кучи талаби ва тақлифи ўртасида номуносабликлар юзага келмоқда. Хусусан, 2023 йил натижаларига кўра, ишсизларни касб-хунарга ўқитиш марказларида таълим олганларнинг 62 фоизнинг бандлиги таъминланган бўлса, уларнинг бор-йўғи 40 фоиз ўқитилган касби бўйича ишга жойлашган. Меҳнат бозоридида ишчи кучига бўлган талабнинг чуқур ўрганилмаганлиги натижасида таълим муассасаларида меҳнат бозоридида талаб паст бўлган касбларга ўқитиш тенденциялари кузатилмоқда. Ушбу бўшлиқни тўлдирши мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Макроиктисодий ва ҳудудий тадқиқотлар институти маҳаллий



меҳнат бозоридида ишчи кадрларга бўлган талабни аниқлаш учун республиканинг 180 та туман ва шаҳарларидан жами 7 700 дан ортик иш берувчилар орасида сўров ўтказди.

Сўровнома натижаларига кўра, мамлакатдаги энг кўп талаб, асосан, савдо мутахассислари ва онлайн сотувчиларига оид экани аниқланди (умумий талабнинг 5,8

фоиз). Кейинги ўринларда қишлоқ хўжалиги ва саноат соҳасида қишлоқ хўжалиги ва саноат ускуналари механиги (1,7 фоиз), қишлоқ хўжалиги ва қурилиш техникаси мутахассислари (1,4 фоиз), трактор, бульдозер, комбайн хайдовчилари (1,4 фоиз), агрономлар (1,3 фоиз), каштаци, тикувчи ва тўқувчиларга (1,7 фоиз) талаб юқори. Нисбатан

пастроқ талаб (1,2 фоиз) таълим муассасаларидаги хоржий тиллар (инглиз, немис, корейс ва бошқа чет тиллар), математика ва IT ўқитувчиларига оид.

Умумий овқатланиш (63 фоиз), таълим (60 фоиз), саноат (57 фоиз), қурилиш (56 фоиз) ҳамда соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар (55 фоиз) соҳаларидан респондентларнинг ярмидан ортиги ишчилар сонини юртимизнинг таъкидлаган.

Давлат ва хусусий секторга тегишли корхоналарда умумий персоналга тегишли мутахассисликлар орасида маркетинг, дастурчи, бухгалтер, кадрлар билан ишлаш бўйича ходимларга талаб юқори. Малака талаб этмайди-ган фаррош, боғбон ва хайдовчи каби касбларга ҳам талаб юқори бўлиб, бу соҳада ойлик маошлар камлиги сабабли кадрлар кўнимсизлиги юқори даражада. Талаб паст бўлган касблар сирасига айрим йўналишлардаги тадқиқотчи ва университет ўқитувчилари, кон-металлургия корхоналари техник ходимлари, ҳуқуқшунос-лар (0,01 фоиз) қиради. Келгуси 6 ойда талаб юқори бўлиши кутилаётган касблар ҳозирги ҳолатдан кескин фарқланмайд.

ТАДҚИҚОТ



Ўзбекистон Афғонистон халқига ГУМАНИТАР ЁРДАМ ва “саломатлик поезда” жўнатди.



“01 888 BBB” автомобиль рақами аукционда РЕКОРД ДАРАЖАДАГИ 965,25 млн. сўмга (тахминан 75 минг доллар) сотилди.



Қорақалпоғистон илмий-амалий ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ташкил этилади.

5 133 та бўш объектдан 8 млрд. сўм солиқ ундирилди

“Маҳалла еттилиги” ташкил этилгач, солиқ инспекторлари маҳаллалардаги ҳар бир солиқ тўловчи хонадонига кириб бориб, тадбиркорлар билан учрашувлар ўтказиб, аниқланган муаммолар ечимини топишга ёрдам бермоқда.

Ромон ОТАЖОНОВ, Хоразм вилояти солиқ бошқармаси шўба бошлиғи.

Энг муҳими, маҳаллада яширин иқтисодиётнинг олди олинмоқда. Бунинг натижасида тадбиркорлик субъектлари рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариши билан бирга, давлат бюджетига тушум ортмоқда. Биргина Хоразм вилоятидаги шаҳар ва

туман солиқ инспекцияларида “маҳаллабай” ишлаш тизимининг ташкил этилиши ҳисобига 5 133 та бўш объект аниқланди ва 8 млрд. 400 млн. сўм қўшимча мол-мулк ва ер солиғи ундирилди. 190 та қаровсиз бўш ётган объектнинг ишга туширилиши эвазига 439 та янги иш ўрни яратилди. 13 490 нафар тадбиркорлик субъектининг шаффоф иш ташкил этиши ҳисобига 32

млрд. сўм товар айланмасига эга бўлди. Натижада маҳаллаларда 14 млрд. 400 млн. сўм миқдорда қўшимча айланмадан олинмаган солиқ ҳисоблаб бюджетга ундирилди. Тизим ходимлари олиб борган тарғибот ишларига кўра, норасмий ишлаб юрган ходимларнинг ҳавфсизлиги, ҳаёти ва соғлиғи, иш қобилияти сақланиши билан бирга, даволаниш тадбирларидан

унумли фойдаланиши, пенсияга чиқиши учун иш стажини қонуний шаклланиши таъминланди. **Жорий йилнинг 1 декабр ҳолатига кўра, 3 685 та корхонада 20 611 нафар ходим ишга жойлаштирилди.** Бугунги кунда савдо ва хизмат кўрсатишда пул ўтказмалари яширин ҳолатда пластикдан пластикка ўтказилмоқда. Бу “P2P” ўтказмалари деб ҳам

айтилади. Унутманг, ушбу савдо ёки хизмат тўловларини амалга оширишда сиз яширин иқтисодиётнинг ривожланишига ҳисса қўшмоқдасиз. Қолаверса, сиз ҳуқуқингиз кафолатли ҳимояланишидан маҳрум бўласиз. Шунинг учун, албатта, чек олишни эсдан чиқарманг. Шунда яширин иқтисодиётга қарши курашда ўз ҳиссангизни қўшган бўласиз.



СОЛИҚЧИ – КЎМАКЧИ

Яширин иқтисодиёт қисқариб, бюджет тушуми ортяпти

Авваллари ўрта маҳалла билан ишлардик. Шу боис ҳар бирига кириб боришга, солиқ тўловчилар билан манзилли ишлаш имкони бўлмади. “Маҳалла еттилиги” таркибига қўшилгач, “маҳаллабай” ишланганди. Солиқ соҳасига оид ҳар бир масала йилнинг ўзига ҳал этилмоқда.



Мухаммадсўф КАРИМОВ, Минбулоқ туманидаги “Пахтакор”, “Ингичка”, “Хайитобод” маҳаллалари солиқ инспектори.

Кўлаб норасмий меҳнат қилаётган фуқаролар фаолияти, тадбиркорлик иши қонунийлаштирилди. Даромад топаётган ва тушумлари ҳеч қандай акс этмаётган яширин иқтисодиёт занжирлари узилмоқда. Шу орқали маҳаллаларда қўшимча даромад манбалари яратилиб, маҳаллий бюджет тушумлари ортмоқда.

Энг муҳими, “еттилик”нинг иқтисодий таянчи бўлиб, худуднинг “ўсиш нуқталари”ни аниқлаб, солиқ тушумларини кўпайтирялган. Масалан, менга бириктирилган “Хайитобод” маҳалласида тадбиркорлик, асосан, мева-сабзавотлар соладиган ёғоч кутилар ясаш ҳамда турли ёғочларга шакл бериш хизмати кенг ривожланмоқда. “Пахтакор” маҳалласида чорвадорлар кўп. Аксарияти хонадонда чорва моллари боқиб, гўшт етиштириш билан шуғулланади. “Ингичка” маҳалласи бондорчиликка ихтисослаштирилмоқда.

Маҳаллаларда қўшимча даромад манбалари яратиб, маҳаллий бюджет тушумларини ошириш учун, аввало, худудимиздаги солиқ тўловчиларни хатловдан ўтказялган. Хатлов жараёнида 82 та объект аниқланиб, қўшимча 19,5 млн. сўм солиқ тушуми ҳисобланди. Вақтинча молиявий қийинчиликка дуч келган 15 та тадбиркорлик субъекти фаолияти қайта тикланди, ноқонуний фаолият кўрсатаётган 11

нафар тадбиркор рўйхатдан ўтказилди. 11 та корхонада норасмий ишлаётган 17 нафар ишчининг меҳнат фаолияти қонунийлаштирилди. Натижада 29,7 млн. сўм қўшимча манба аниқланди. Аҳоли ўртасида солиқ қонунчилигининг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини тушунириб, тадбиркорлик билан шуғулланиш истагини билдирган фуқароларга кредит олиш учун хулосалар бераймиз. Фаолиятини энди бошлаётган, ҳуқуқий ва иқтисодий қийинчиликларга дуч келаётган тадбиркорлик субъектлари билан манзилли ишлаяпмиз. Солиқ тўловчилар билан доимий мулоқотда бўлиб, уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириб, иқтисодий жиноятнинг салбий оқибатларини тушунирялган. Мавжуд муаммолар масалалар сектор раҳбари ва “маҳалла еттилиги” кўмағида ҳал этиляпти.

Хозирда учта маҳаллада жами 38 та юридик шахс, 9 та фермер хўжалиғи, 10 та нодавлат нотижорат

ташкilotи, 78 нафар якка тартибдаги тадбиркор фаолият юритмоқда. Шунингдек, 856 та деҳқон хўжалиғи ташкил этилиб, уларда турли полиз маҳсулотлари етиштирилмоқда. 1 574 нафар фуқаро турли соҳаларда ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида рўйхатдан ўтди. Жорий йил якунида жисмоний шахсларнинг тураржой объектлари бўйича 910,9 млн. сўм ундирилиши кутилмоқда. Натижада 91,1 млн. сўм маҳаллалар бюджетига қолади.

Албатта, меҳнатларимиз муносиб эътироф этилиб, рағбатлантирилмоқда. Яқинда самарадорлик кўрсаткичи (КРП) бўйича юқори баллини эгаллаб, Солиқ кўмитаси раҳбариятининг ташаккурномасига эга бўлдим.

Келгусида маҳаллаларда тадбиркорликни ривожлантириб, қўшимча иш ўринларини яратиш ва яширин иқтисодиётнинг олдини олиб, давлат бюджетига қўшимча маблағларни янада кўпайтириш ниятидаман.



БИЛАСИЗМИ?

ЧЕКЛАРДАГИ ҚАНДАЙ ХАТОЛИКЛАРНИ МУДДАТСИЗ ТАХРИРЛАШ МУМКИН?

Солиқ тўловчилар 2023 йил 1 январдан бошлаб, берилган онлайн назорат-касса техникалари ва электрон чекларда суммадан ташқари қуйидаги маълумотларни пу3.soliq.uzда “Юридик шахсларнинг онлайн назорат касса техникаси маълумотлари” саҳифасидаги “Чек маълумотлари” бўлимида муддатсиз тахрирлаши мумкин:

- қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС) суммаси ва ставкасини (0/12 фоиз);
- Маҳсулот ва хизматлар идентификация коддини (МХИК);
- Корхона СТИРини;
- маҳсулот миқдорини;
- ўлчов бирлигини;
- тўлов турини (нақд

- пул ёки банк карта).
- Бу жараён “Сақлаш” туммаси орқали ақунланади.
- Тадбиркор чек тахрирлашни натижасида юзага келадиган оқибатларни ўз зиммасига олиши ҳақидаги мурожаатини (фақат битта файл) илова қилиши лозим.

Тахрирланган чеклар бўйича лозим бўлган тақдирда, солиқ ҳисоботларини қайта топириш талаб этилади. Қайта ҳисобот тақдим этмаслик тавофуқларни келтириб чиқаради.

Солиқ кўмитаси Ахборот хизмати.



ТАДБИРКОРЛИК

Ҳар бир маҳаллада 50 нафар тадбиркор бор

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий мақсадларидан бири – мамлакатни дунёнинг иқтисодий ривожланган давлатлари қаторига киритишдир. Бу жараёнда замонавий, сифатли ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқара оладиган, аynи вақтда, юз минглаб фуқароларни иш билан банд қилиш имконини берадиган кичик ва ўрта бизнес, тадбиркорлик соҳаси, шубҳасиз, энг муҳим ўрин эгаллайди.

Шу боис кичик ва ўрта бизнес, оилавий, ёшлар ва хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантиришга қаратилган аниқ дастурлар қабул қилиниб, амалга оширилмоқда.

Аynиқса, микробизнес ва оилавий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича катта амалий ишлар қилинди. Дастурлар орқали микробизнесни молиявий қўллаб-қувватлашга ҳар йили 1 миллиард доллардан зиёд маблағ йўналтириляпти. Натижада бугун ҳар бир маҳаллада камида 40-50 нафар янги тадбиркор пайдо бўлиб, минглаб доимий иш ўринлари яратилмоқда.

Солиқ соҳасидаги камчиликлар бартараф этилиб, тадбиркорларга бир қатор имтиёзлар берилди. Қулай бюджет тизими яратилиб, қўшилган қиймат солиғи ставкаси 20 фоиздан 12 фоизга туширилди. Бу эса тадбиркорлик субъектлари ҳисобида айланма маблағларни кўпайтирди. Солиқ турлари сони 13 тадан 9 га камайтирилди.

Тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг устуворлигини таъминлаш ва фаолиятига асосиз аралашуш ҳолатларига қатъий чоралар кўриш мақсадида 2017 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вақили (Бизнес-омбудсман) институти ташкил этилди.

Охириги йилларда амалга оширилган ишлар натижасида бизнес муҳити тубдан ўзгарди, тадбиркорларнинг солиқ юки камайтирилди, уларга кредит бериш тизими енгиллаштирилди, ортқча текширишлар тўхташиб қўйилди. Натижада йиллик айланмаси 10 миллиард сўмдан 100 миллиард сўмгача бўлган ўрта корхоналар икки қарра кўпайди. Айланмаси 100 миллиард сўмдан ортқк йирик корхоналар 2 минг 200 тадан ошди. Бу ўтган йилга нисбатан икки баравар кўп бўлди.

Тадбиркорларга яратилган шарт-шароитлар, уларга берилган имкониятлар иқтисодимиз ривожланишига туртки бўлди. Жумладан, Ўзбекистон ялпи ички маҳсулоти илк бор 100 миллиард доллардан ошди. Жорий йил олти ойда тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ҳажми ўтган йилга нисбатан 2 қарра ўсиб, 14 миллиард долларга етди.

Сўнги йилларда хорижий инвестицияларни жалб қилишни рағбатлантириш, ушбу йўналишдаги

бизнес-субъектларини ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш борасида кўплаб ўзгаришлар юз берди. Бундай ислохотлар барча йўналишларда – институционал, ҳуқуқий, иқтисодий ва дипломатик шаклларда амалга оширилмоқда. Ҳукумат эълон қилган маълумотларга қараганда, биргина 2024 йилнинг ўтган 10 ойда мамлакатта 26 миллиард доллардан зиёд хорижий инвестиция киритилган. Бу – ўтган йилга нисбатан 1,7 баробар кўп. Шундан қарийб 24 миллиард доллари тўғридан-тўғри сармоялардир.


Киритилган инвестициялар ҳисобига 6 минг 300 та корхона ишга тушган. Улар 30 триллион сўмлик қўшилган қиймат яратган, экспорт 305 миллион долларга ошган. Энг муҳими, буларнинг натижасида 165 мингга юқори даромадли иш ўрни очилган. Яна 8,6 миллиард доллар инвестиция келиши кутилмоқда.

Тадбиркорларга бир қатор имтиёзлар ва қулай шарт-шароитлар яратилгани натижасида бизнес субъектларга ташқи иқтисодий фаолият олиб бориш ва хорижий инвесторларни жалб қилиш имкониятлари кенгайди. Ташқи савдони эркинлаштириш йўлида инвесторлар учун зарур бўлган 7 мингдан зиёд хомашё ва товарларга божхона божлари бекор қилинди. Божхона худудида қайта ишлашнинг соддалашган тартиби жорий этилди. Янги-янги бозорларга кириш мақсадида Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига қўшилиш жараёни жадаллаштирилди.

Президент жорий йил Нукус шахрида тадбиркорлар билан ўтказган учрашувда улар учун молиявий ресурсларни кўпайтириш масаласига алоҳида тўхталиб, бир қатор ташаббусларни билдирган эди. Эндиликда кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлашда барча банклар ва микромолия ташкилотлари иштирок этиши мумкин бўлади. Микрокредитлар миқдори 3 қарра оширилиб, 300 млн. сўмга етказилади. Бу жараёнда кредитнинг 100 млн. сўмгача бўлган қисмига гаров талаб қилинмайди.

Ишончли ҳимоясиз бизнес эркин тарзда мавжуд бўлиши ва ривожланиши мумкин эмас. Шу боис тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилиди. Бу эса мамлакатда кичик ва ўрта бизнес ривожланишига, янги тадбиркорлар пайдо бўлишига ўз ҳиссасини қўшиб келяпти.

Рустам ЮСУПОВ таяёрлади.



2024 йилда 1,4 триллион сўмлик энергия ресурслари ТАЛОН-ТАРОЖ қилинган.



2025 йилда соғлиқни сақлаш соҳаси ЭЛЕКТРОН ТИЗИМ орқали назорат қилинади.



БОЛАЛАР ТИББИЁТИ: юртимизда илк бор 15 ёшли беморда жигар трансплантацияси амалга оширилди.

СУД ҲУҚМИ

Йўқ амалнинг амалдори

Юртимизда тадбиркорлик учун кенг йўл очилган. Улар учун кўпдан-кўп қонунлар, имтиёзлар, қулайликлар, шарт-шароитлар яратилмоқда. Фақат юртингга, халқингга фойда келтирсанг, фаровонлик, тўқинликни таъминласанг, юртдошларингнинг оғирини енгил, узоғини яқин қилсанг бўлгани. Сендан сўраладиган нарса – ҳалол ишла, қонунни бузма, берилган ишонччи суистеъмол қилма!

Баҳромжон ЭГАМБЕРДИЕВ, Чилонзор тумани ИИО ФМБ хузуридаги Тергов бўлими терговчиси.

Бироқ тадбиркорлик қиламан деб, ўзгаларни алдаб, бировнинг топгани ҳисобига бойишни кўзламоқлик – жиноят. Аслида, тадбиркорлик билан шуғулланиш етти ухлаб тушига кирмаган Тўхтабой кимларнидир лақиллатиб, пулга эга чиқиш ниятида таниш-билишларини ишга солиб, гўёки тадбиркорликка бел боғлагани, бизнес-режаси тегишли маҳкамалар томонидан тасдиқланганини айтиб, озгина моддий ёрдам берадиган киши топилса, таъсисчи мақомида келадиган фойданинг 50 фоизини баҳам кўриши ҳақида гап-сўз тарқатади.

Таниши Шохрух унинг гапига ишониб, уни Шаҳобиддин билан учраштириб қўйди. Тўхтабой Яшнобод туманида жойлашган мрамрартош ишлаб чиқарувчи заводни фалон пулга сотиб олаётгани, ҳозир мрамрарга буюртма кўпчилиги, банкда барча ҳужжатлар тайёрлиги, бироқ банк ходимларига озгина "хамир учидан патир" берса, ишни бошлаши аниқ эканлиги, ўзининг бор пулини ҳужжатларни расмийлаштириш учун сарфлагани ҳақида ишонarli сўзлаб берди.

Бу сўзларга ишонган Шаҳобиддин "қани бир танишай-чи", дея "бизнес-режаси"ни варақлаб ҳам кўрмади. Агар варақлаб кўрганида борми, ишга тушажак заводнинг 50 фоизли таъсисчиси бўлишни хаёл қилган Шаҳобиддин қалин дафтар ичида "завод директори"нинг қизи ва ўғлининг қоралама дафтарларидан бўлак нарса йўқлигини кўриб, қаллобнинг ёқасидан олиши тайин эди.



Шаҳобиддин аввалига банкдаги ишани тўғирлаш учун унга 2 млн. 800 минг сўмни санаб беради. Бу ёғи таниш сценарий бўйича давом этади. Майда-чуйда сарф-харажатлар ортидан катта харажатлар баҳонасида Тўхтабой 2021 йилнинг октябр ойидан 2022 йилнинг февраль ойига қадар "бизнес ҳамкори"нинг 35 000 АҚШ доллари миқдоридagi пулини "шилиб" олади.

Жиноят ишлари бўйича Чилонзор тумани суди очик суд мажлисида 1977 йилда туғилган Т.Тўхтабойнинг жиноий қилмишини кўриб чиқиб, уни Жиноят кодексининг 168-моддаси 4-қисми "а" банди ("Фирибгарлик") билан айбли деб топди. Унинг айбига икромлиги, пушаймонлиги, илгари судланмаганлиги, етказилган зарарни тўлик қоплаганилиги, оилавий шароити инобатга олиниб, маъжур кодекснинг 57-моддасини қўллаб, иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 3 йилга ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилди.

Фирибгарликка чек қўйилди, оиладаги низолар барҳам тошди



"Янгиобод" маҳалласи Пискент тумани маркази – серкатнов манзилда жойлашган. Аҳолининг аксарияти тадбиркор, турли давлат ташкилотларида меҳнат қилади.

Ҳасан ДАВРОНОВ, Пискент туманидаги "Янгиобод" маҳалласи профилактика инспектори.

Дехқончилик, узумчилик билан шуғулланганлари ҳам бор. Йиғинда ишсиз, бекорчи одамни деярли учратмайсиз, ҳамма ўз юмушлари билан банд. Шу боис ўн бир оидирки, маҳалла жиноятдан холи ҳудуд – "яшил" тоифада.

Албатта, бунга осонлик билан эришилгани йўқ. Бир йил олдин маҳалла пул олди-берди масаласига оид фирибгарлик ва жиноятлар сабаб, "сарик" тоифада эди. Шу боис, аввало,

"маҳалла еттилиги" ҳамкорлигида аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириб, жиноятнинг салбий оқибатлари бўйича тарғибот ишларини олиб бордик. Хар бир оила аъзолари билан мулоқотда бўлиб, шахсий телефон рақамини бердим. Фуқаролар билан кечаю кундуз, 24 соат алоқада бўлиб, мурожаатларига тезкор жавоб бердим, зарур ҳолатларда воқеа жойига етиб бордим. Шу тариқа жиноятчиликни "маҳаллабай" жиловлаш, аҳолининг кунлик ижтимоий-маиший муаммоларини "хонадонбай" ҳал этаймиз.

Низоли оиаларни яраштириш ва муҳитини яхшилаш бўйича тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтирдик. Зарур ҳолатларда суд амалиётини қўлаб, оила бекаларига химоя ордери бердик. Химоя ордери сабаб, 15 та оила тинч-хотиржамликда яшаб

Профилактика инспектори

ҳуқуқбузарликлар оқибати билан эмас, балки унинг олдини олиш билан курашиши шарт, деган тамойил асосида кечаю кундуз маҳалла тинчлигини таъминлаш йўлидаман.

кетди. Айрим жанжалли оиалар хонадон Миллий гвардиянинг чакирув пултига уланди. Бирор жанжал бўлса, Миллий гвардия ходимларига хабар беради, улар тезкорлик билан етиб келишади.

ПРОФИЛАКТИКА ҲУДУДИ



Асосий вазифамиз – маҳаллада тинчлик ва осойишталикни таъминлаш, жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш. Шу боис 11 та кўчанинг асосий участкаси, тадбиркорлик объектларига видеокузатув қурилмалари ўрнатилди. Фуқароларнинг талабларидан келиб чиқиб, хонадонлари Миллий гвардиянинг кўриқлаш хизматида уланмоқда. Жиноятларнинг аксарияти тунги вақтда содир бўлишини инобатга олиб, кўчалар ёриткич чироқлари билан таъминланди. Кечки 20:00 дан эрталаб 7:00 гача патруль-пост ходимлари билан тунги назорат кузатув тадбирларини олиб бораемиз.

Йиғин ҳудудидида умумтаълим мактаби йўқ, фақат учта хусусий боғча бор. Уқувчилар бўш вақтида 2-3 километр йўл босиб, туман спорт мактабидидаги турли тўғаракларда шуғулланишмоқда. Маҳалла серкатнов автомобил йўл бўйида жойлашгани учун спорт машғулотлардан қайтаётган ўқувчилардан барчамиз, айниқса, ота-оналар жуда хавотирда бўлишди. Шу боис келгусида ёшларнинг бўш вақтини мазмуни ўтказиш учун ўз ҳудудимизда бирор спорт майдони, фан ёки санъат тўғаракларини ташкил этиш ҳаракатидаимиз.

Профилактика инспектори ҳуқуқбузарликлар оқибати билан эмас, балки унинг олдини олиш билан курашиши шарт, деган тамойил асосида кечаю кундуз маҳалла тинчлигини таъминлаш йўлидаман. Давлатимиз раҳбари айтганидек, маҳалла тинч бўлса, юрт тинч бўлади. Ана шу тинчликни таъминлаш учун бор билим ва тажрибаларини ишга солиб, Ватан, халқ хизматидага шайман.

ЭШИТДИНГИЗМИ?

Электрон реестр юритилади

Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори асосида Кўп квартирали уйларни бошқариш органларининг электрон реестрини юритиш бўйича маъмурий регламент тасдиқланди. Унга кўра, кўп квартирали уйларни бошқариш органларининг электрон реестрини шакллантириш ва юритиш ҳамда кўп квартирали уйларни бошқариш органларига бириктириш бўйича давлат хизматларини кўрсатиш тартиби белгиланди.

Севара ЎРИНБОЕВА, Адлия вазирлиги хузуридаги мультимедиа маркази раҳбари.

Бу жараёнда талабгор ёки бошқариш органи сўровнома бериш учун Давлат хизматлари марказлари ёки ЯИДХП (my.gov.uz) орқали мурожаат этади. Сўровнома ЯИДХП орқали дам олиш ва байрам кунларидан қатъи назар, ҳар куни 24 соат давомида юборилиши мумкин.

Давлат хизмати кўрсатилганлиги учун БХМнинг 50 фоизи (187 минг 500 сўм) миқдориди Давлат хизмати кўрсатилгани учун йўғим ундирилади. Сўровнома ва унга

илова қилинган ҳужжатларда нотўғри маълумотлар кўрсатилиши, шунингдек, белгиланган йўғимни тўламаслик давлат хизматларини кўрсатишни севд этиш учун асос ҳисобланади.

Электрон реестрға кириш учун қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

- талабгорнинг кўп квартирали уйни бошқариш учун мавжуд ишчи-хизматчилари ҳамда моддий-техник базаси тўғрисидаги маълумотлар паспортининг тасдиқланган нусхаси;
- тасдиқланган штатлар жадвали;
- тегишли малака сертификати.



Маҳаллани ривожлантиришда депутатнинг ўрни муҳим

Депутат – парламентда ёки бошқа давлат органида, маҳаллий Кенгашда сайланган халқ вакили. У одамларнинг муаммоларини, эҳтиёжлари ва истакларини эшитиши ва уларни ҳал қилиш учун ишлаши керак. Бироқ айрим депутатлар одамларнинг фикри ва эҳтиёжларини тўғри кўриб чиқишга бефарқ бўлади.

Фируза МУҲИДДИНОВА, Тошкент давлат юридик университети профессори, юридик фанлар доктори, халқ депутатлари Миробод тумани Кенгаши депутати.

Шуни унутмаслик керакки, депутат масъулиятини йўқотса, фуқароларнинг ишончсизлигига олиб келади. Халқ ишониб овоз бердим, бу ишонччи оқлаш учун ҳалол, очик ва сайловчилар билан фаол мулоқотда бўлиш давр талаби. Шунда депутат ҳақиқий "халқ овози" бўлишига, халқ эса ўз манфаатлари химоя қилинишига ишонади.

Бугун депутатларнинг халқ орасига кириб бориши маҳалладан бошланмоқда. Шу боис, маҳалла равақий йўлида депутатларнинг ўрни алоҳида.

Эндиликда барча вазифаларнинг жойлардаги ижросини таъминлашда партия депутатлик гуруҳлари фаол иштирок этиб, қатъий депутатлик назоратини йўлга қўяди. Бу борада Президент жорий йил 18 ноябрь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг

сайловдан кейинги биринчи мажлисида парламент фаолиятидаги ютуқлар билан бирга, камчиликлар хусусида тўхталганди.

Демак, энди сайланган янги парламентдаги ва барча бўғиндаги депутатлар халқ билан бирга бўли-



шига аҳамият берилади. Чунки "парламент – халқ уйи", депутат – халққа энг яқин одам, эл-юртнинг ташвиш ва муаммолари билан яшайдиган, катта билим ва тажрибага эга бўлган шахс" бўлиши – давр талаби. Давлат раҳбари айтганидек, "Депутат – бу халқ хизматчиси, барчага ўрнак бўладиган, сиёсий билими ва онги юксак, ўз Ватанини чин дилдан севадиган инсондир". Шу маънода, депутатнинг масъулияти халқ ишончини қандай оқлашида намоён бўлади. Чунки халқ вакиллари сифатида депутат ва парламент халққа хизмат қилади.

Эндиликда янги сайланган депутатлардан масъулият билан хар бир вазифага ёндашиб, қабул қилинаётган қарор ёки фармонларнинг туб моҳияти халқимизнинг яхши шароитларда яшashi, хар бир инсоннинг ривожланиши учун фойдали бўлишига интилиши зарур. Ана шунда ислохотлар натижалари, соҳалардаги ўзгаришлар, энг аввало, маҳаллада сезилади. Зеро, Конституциянинг 122-моддасида халқ депутатлари Кенгашларининг тегишли маҳаллий бюджетларни кўриб чиқиш ва қабул қилиш, уларнинг ижро этилиши учун назоратни амалга ошириш; ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва аҳолини ижтимоий химоя қилиш дастурларини тасдиқлаш; ҳокимни лавозимга тасдиқлаш, унинг фаолияти тўғрисидаги ҳисоботларни эшитиш; Конституция ва қонунларда назарда тутилган бошқа вазифаларни амалга ошириш каби вазокатлари белгиланган.

Умид қиламизки, 2025 йил ана шундай халқпарварлик ва инсонпарварлик тамойилларида таянган йил бўлишда депутатларнинг ўрни бекиёс бўлади.


МИНБАР



11 ой давомида
банклар томонидан
10,6 МИЛЛИОНДАН
КЎПРОҚ карта
эмиссия қилинган.



1,7 миллиондан
ортиқ оилга
онлайн режимда
НАФАҚА ТАЙИНЛАШ
имконияти яратилди.



Ўзбекистон ва
Қозоғистон савдо
айланмаси
3,8 МИЛЛИАРД
ДОЛЛАРДАН ошди.

ИСЛОҲОТЛАР ОДИМИ

ПРЕЗИДЕНТНИНГ ЁШЛАРГА ЕР АЖРАТИШ СИЁСАТИ САМАРАСИ: 1,2 МИЛЛИОН ТОННА МАҲСУЛОТ ЕТИШТИРИЛДИ, ЭКСПОРТ — 259,3 МИЛЛИОН ДОЛЛАР



Аҳоли бандлигини таъминлаш — иқтисодий фаровонликнинг муҳим шартларидан бири. Айниқса, меҳнат бозорига эндигина кириб келаётган ёшларни ишли қилиш долзарб ҳисобланади. Шу маънода 2024 йил давомида “Ёшлар дафтари”, “Темир дафтар”га киритилган, ижтимоий аҳволи оғир ва ишсиз ёшларни қўллаб-қувватлаш бўйича муҳим тадбирлар амалга оширилди.

Шахноза РАХИМХУЖАЕВА.
“Mahalla”

Бу жараёнда ёшларга деҳқон хўжаликларини таъминлаш мақсадида туман ҳокимликлари захирасидаги 61 минг 290 гектар ер майдони 161 минг 619 та лотда ер тузиш лойиҳалари ишлаб чиқилиб, “E-ijara” платформасига жойлаштирилди. Тизимга, шунингдек, “маҳалла еттилиги” тавсиялари асосида деҳқон хўжаликларини ташкил этиш мақсадида 223 минг 785 нафар ёш киритилди. Қўрилган чора-тадбирлар натижасида 55,4 минг гектар майдонга қишлоқ хўжалиги экинлари экилди.

Худудлар бўйича аниқ мисолларга

тамоийли асосида ижарага берилди. Қарор ижросини таъминлаш мақсадида туман ҳокимликлари захирасидаги 61 минг 290 гектар ер майдони 161 минг 619 та лотда ер тузиш лойиҳалари ишлаб чиқилиб, “E-ijara” платформасига жойлаштирилди. Тизимга, шунингдек, “маҳалла еттилиги” тавсиялари асосида деҳқон хўжаликларини ташкил этиш мақсадида 223 минг 785 нафар ёш киритилди. Қўрилган чора-тадбирлар натижасида 55,4 минг гектар майдонга қишлоқ хўжалиги экинлари экилди.

Ўтсак, Тошкент вилояти Пискент туманидаги “Чимқўрғон” маҳалласида 20 нафар ёшга 50 сотихдан ажратилган ер майдонида бир гектардан 75 миллион сўмдан даромад олинди. Бу ҳар бир деҳқон хўжалиги ўртача 30-35 миллион сўм даромад топапти, дегани.

Фарғона вилояти Қўштепа туманидаги “Пахтакор” маҳалласида деҳқончилик билан шуғулланиш истагини билдирган 19 нафар ёшга 25 сотихдан бўлиб берилган. Мазкур майдонларда қовун экилиб, 1 гектар ердан ўртача 85 миллион сўм даромад олинди. Бу ҳар бир деҳқон хўжаликларга ўртача

15-20 миллион сўмдан тўғри келди.

Жиззах вилояти Шароф Рашидов туманидаги “Ёйилма” маҳалласида 20 гектар ер майдони 85 нафар фуқарога 15-50 сотихдан бўлиб берилди. Ёшлар “Бир маҳалла — бир маҳсулот” тамойили асосида помидор экиб, гектаридан 100 миллион сўмдан даромад олди. Иккинчи экин сифатида экилган исмаилоқ ҳар бир деҳқон хўжалигига ўртача 15 миллион сўмдан фойда келтирди.

Ўмулан олганда, Республика бўйича бу каби хўжаликларда жами 1,2 миллион тонна маҳсулот етиштирилди. Қиймати 259,3 миллион долларлик 769,1 минг тонна савзавот экспорти амалга оширилди. Жумладан, 63,6 миллион долларлик пиёз (33,9 минг тонна), 41 миллион долларлик помидор (44,9 минг тонна), 32,7 миллион долларлик оқ қарам (150,4 минг тонна) экспорт қилинди.

Натижалардан аниқлаш мумкин, келгуси йилларда ҳам ёшларга қишлоқ хўжалиги учун ер ажратиш амалиёти давом эттириш мақсадга мувофиқ. Бу орқали аҳоли бандлиги ва фаровонлигини ошириш, қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ерлардан самарали фойдаланишга эришиш мумкин.

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

Мушқули осон бўлган одамлардан хурсандмиз

Мафтуна БОЙМУРОДОВА,
Ромитан туманидаги “Шўрча” ва “Ўтабек” маҳаллалари ижтимоий ходими.

Доим маҳаллани айланиб, ногиронлиги бўлган ҳамда кам таъминланган оила вакиллари билан суҳбатлашганимда, уларнинг ҳар жиҳатдан кўмакка муҳтож эканини ич-ичимдан ҳис қиламан. Моддий қийинчиликдан ташқари, руҳий далда бериш, кайфиятини кўтариш билан қанчадан-қанча инсоннинг ҳаётига нур киритган бўлаемиз.

Президент Шавкат Мирзиёев 2024 йил 5 сентябрда имзолаган “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида”ги қонунни ўқиб чиқганимда, Янги Ўзбекистоннинг ҳеч бир фуқароси эътибордан четда қолмаслигига яна бир бор амин бўлдим.

Бугун юртимизда ногиронлиги бўлган шахсларга бошқа фуқаролар билан тенг равишда ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга ошириш имконияти яратилаётганига барчамиз гувоҳимиз. Зеро, жамият ривожига, юрт раванқига ҳар бир шахснинг ўз ўрни ва ҳиссаси бор.

Ромитан туманидаги “Шўрча” маҳалласида истиқомат қилувчи 1-гурух ногирони Обил Жумаев хатлов жараёнида ижтимоий кўмакка муҳтож фуқаролардан экани аниқланди. Болалиқдан қўл ва оёқ қийиқлиги билан касалланган Обил ака хонадонига ташриф буюрганимизда, тиббий кўриқдан ўттиши кераклиги ва моддий ёрдамга эҳтиёжи борлигини айтиб, мурожаат қилган эди. Фуқаронинг оилавий аҳволи ўрганилган ҳолда розилигига асосан, ижтимоий хизматлар кўрсатиш учун кейс очилди.

“Хар сафар Обил аканинг ҳолидан хабар олгани борганимизда, соғиниб кутаётган яқин қишга келгандек, хурсанд бўлиб қаршилайди.”

Биринчи навбатда, чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилди ва даволаниши учун “Саховат ва кўмак” жамғармаси маблағлари ҳисобидан пул ажратилди. Қонунчилик ҳужжатларида белгиланган ҳадда тўтилган дори-дармон воситалари билан таъминланди. Моддий ёрдамга ариза топширган эдик, у ҳам ижобий ҳал бўлди. Обил ака билан суҳбатлашганимизда, турмуш қурмаганини айтиди. Шунга қўра, Ромитан туман Кексалар ва яққа ёлғизлар шўъбаси ходимлари билан биргаликда уни ўзгалар парваршига муҳтож ёлғиз кексалар рўйхатига киритдик.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Қаров меҳнат стажига қўшиладими?

Саодат ИМОМОВА.

Термиз тумани.
— Ёши 80 дан ошган қайнотам бор. Кексалик сабаб ўзгалар ёрдамига муҳтож. Унга қараб турилган вақт меҳнат стажига қўшиб ҳисобланадими?



Фарҳод ҚУЛМАМАТОВ,
Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги Сурхондарё вилояти бошқармаси бошлиғи ўринбосари:

— “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги қонуннинг 37-моддасига асосан, 2-гурух ногиронлиги бўлган шахсга ёки 18 ёшгача бўлган ногиронлиги бор болага, шунингдек, (даволаш муассасасининг хулосасига қўра) ўзгаларнинг парваршига муҳтож

бўлган 80 ёшга тўлган қарияларга қараб турилган вақт иш стажига қўшиб ҳисобланадиган меҳнат фаолияти турлари экани кўрсатилган.

Мазкур асосга қўра, 80 ёшга тўлган фуқароларга қараб турилган вақт даволаш муассасасининг хулосаси асосида меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади. Ушбу ёшга тўлмаган шахсларга қараб турилган вақт эса юқоридаги айрим ҳолатлардан ташқари меҳнат стажига эга бўлиш учун асос бўлмайди.



Бу — маҳалламиздаги биргина фуқарога кўрсатилган хизмат, холос. Биз, “маҳалла еттилиги” вакиллари кун давомида шу каби ўнлаб инсонларнинг мушқулини осон қилиш учун ҳаракат қиламиз. Меҳнат қилганимиз, ишлаганимиз сари уларнинг сони тобора камаймоқда. Ўзини тиклаб, шароитини ўнглаб олаётганлар кун сайин кўپаяпти. Бундан фақат хурсанд бўлаемиз.

“Шукрки, ҳаминша эл орасидамиз”

Азиз МАШРАБОВ,
журналист.

Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг маҳаллалардаги ходимлари аҳолига кейс-менеджмент асосида хизматлар кўрсатиб, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар қалбига меҳр-оқибат нурларини сочди. Кўнгилларига қувонч улашди. Агентликнинг Сурхондарё вилояти бошқармасидан олинган маълумотга қўра, 2024 йилда маҳаллалардаги ижтимоий ходимлар 8 минг 748 та ижтимоий ҳимояга муҳтож оилга кейс очиб, муаммоларини ўрганди. Уларнинг 8 минг 330 тасида баҳолаш яқунланиб, бирламчи ва комплекс ижтимоий хизматлар кўрсатиш йўлга қўйилди.

— Маҳаллалардаги ижтимоий ходимлар ўз ҳудудда қийналган инсонларга ҳар тарафлама ёрдам кўрсатиб, ижтимоийлашувини таъминлашга алоҳида эътибор қаратмоқда, — дейди Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги Сурхондарё вилояти бошқармаси бошлиғи Муҳиддин Тоғаев. — Оиладаги бир кишининг мушқулини енгиллатиш, ҳаётда дуч келган муаммосини ечиш билан бутун оилга қувонч бағишламоқда. Уларнинг келажакка ишончини оширяпти.

Вилоятда ижтимоий кўмакка эҳтиёж сезган инсонлар учун нисбатан янги хизмат тури — кейс-менеджмент услуви оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, улар эҳтиёжларининг яхлит кўринишини ва бошқа хизматлар билан боғланишини таъминлаётди. Аёллар, болалар ва оилалар дуч келган турли муаммоларни

ҳал этиш учун ижтимоий ёрдамлар кўрсатилмоқда. Ногиронлиги бўлган шахслар турли усулларда қўллаб-қувватланапти. Масалан, Ангор туманидаги “Кайран” маҳалласидаги ижтимоий ходим Мухриддин Беккамов ҳудуд аҳолисининг ижтимоий-иқтисодий ҳолатини яхшилаш учун ундан ортиқ кейс очиб, хизмат кўрсатмоқда.

Ижтимоий ходим ўрганишлари чоғида маҳалладаги Маърифат Отақулованинг сурункали касаллиги борлиги аниқланди. Тушқун кайфиятда бўлган онанинг соғлигини тиклаш, уй-жойини таъмирлаш учун маблағ зарурлиги маълум бўлди. Кейс-менеджмент асосида аниқланган муаммоларни ҳал этиш учун “Саховат ва кўмак” жамғармасидан пул ажратишга кўмаклашди. Вояга етмаган икки фарзандига болалар нафақаси тайинланди. Кўрсатилган

бу ғамхўрликлар онанинг ҳар бир инсон давлат эътибориди эканига ишончини, соғлиғига эътиборли бўлишга, ҳаётга интилишини кучайтиришга ундади.

Айни пайтда вилоят маҳаллаларида 700 нафардан ортиқ ижтимоий ходим хизмат кўрсатаяпти. Улар ҳудудларда оғир ижтимоий ҳолатга тушган ва тушиш хавфи бўлган аҳоли билан манзилли ишлаб, ижтимоий-иқтисодий аҳволини таҳлил қилмоқда. “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими орқали кам таъминланган оилаларни аниқлаб, уларга ижтимоий нафақалар тайинлаш учун маълумотларни тақдим этишга эътибор қаратапти. Уйма-уй юриб, ўртага ташланаётган масалаларни ҳал этиш йўллари излаяпти. Лозим бўлганда, кейс-менеджмент асосида ўрганиб, кўмаклашиш чораларини кўрмоқда.



Ҳозирда ўзини ҳаминша эл орасида, деб биладиган ижтимоий ходимлар янги йилда ўз ҳудудларида амалга оширадиган ишларни, хайрли амалларни режалаштириб олиш учун маҳаллаларда ўрганишини давом эттирмоқда. Буларнинг барчаси мамлакатимизда инсон қадрини улуғлашга қаратилган ислохотларнинг амалдаги ифодасидир.

ЖАРАЁН



Оғир атлетикачиларимиз ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИНИ 44 та медаль билан яқунлади.



ФУТБОЛ: “Сўғдиёна”, “Навбахор”, “Нефтчи”, “Динамо”, “Бухоро”, “Арал” жамоаларига трансфер тақиқи қўйилди.



Пайшанба куні ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ КУНИ сифатида белгиланди.

12

№85 | 86 | 2024 йил 28 ДЕКАБРЬ, ШАНБА

Mahalla

БИЗ — СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ ТАРАФДОРИМИЗ!

САЛОМАТЛИК

Хар бир ота-она учун фарзанднинг соғлом улғайиши жуда муҳим. Бироқ боланинг бўйи ўсмаслиги кўп ҳолларда ташишли вазиятларга сабаб бўлади. Хўш, бу ҳолатда қандай йўл тутиш керак? Қайси чораларни қўллаш муаммага ечим бўла олади?

БОЛАНИНГ БУЙИ НЕГА ЎСМАЙДИ?

Муҳлиса ШОРИХСИЕВА, Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази шифокори.

Бола бўйининг тенгурларига нисбатан пастлиги унинг руҳий ҳолатига салбий таъсир қилиб, ўғил-қизларда сал нарсадан асабийлашиш ва тенгдошлари орасида ўзини нуқсонли, деб билишига сабаб бўлади. Қолаверса, ушбу муаммо ёш организмда гормонал ўзгаришлар содир бўлаётганидан дарак. Шу боис бу ҳолатга эътиборсиз қараш тўғри эмас.

Аслида, болада бўйи ўсмаслигининг сабаб ва омиллари кўп. Биринчи навбатда, ўсишдан тўхташ ирсият билан боғлиқ. Шунингдек, организмдаги айрим гормонларнинг кўп ёки камлиги ҳам бунга таъсир қилади. Яъни эндокрин тизимдаги турли издан чиқишлар бўйи ўсишида турли патологияларни келтириб чиқаради.

Хусусан, гипофиз, қалқонсимон ва буйрак усти безларида етиладиган гормонлар ўсиш гормонлари дейилади. Шуниси қизиқки, ўсиш гормонлари бола ухлаганда ишлаб чиқарилади. Демак, меърида ухлаган фарзанд яхши ривожланади. Баъзида буйрак, юрак, ўпка сурункали касалликлар ҳам бўйи ўсишини тўхтатиши мумкин.

Қолаверса, организмда паразитлар бўлса, бу борада муаммолар юзага келади. Яна бир омил — руҳият билан боғлиқ

бўлиб, фарзандга меҳр етишмаслиги унда ўсиш гормонлари ишлаб чиқарилишига салбий таъсир кўрсатади. Шу билан бирга, онанинг ҳомиладорлик давридаги овқатланиши, бошдан кечирган руҳий зўриқиш ва касалликлари ҳам асосий сабаблардан бири.

Болада бўйи ўсмаслиги, асосан, 4 ёшдан кейин намоён бўлади. Кўпинча ота-оналар фарзанди мактабга чиққач, тенгурлари орасида унинг бўйи пастлигини сезиб қолишади. Аммо шунда ҳам бунга етарлича эътибор бермайди. Оқибатда бу ҳолат ўсмирлик даврига келиб янада жиддий муаммага айланиши мумкин.

Шу боис ота-оналар фарзанднинг бўйи ўсмаётганини сезгач, дарҳол шифокор-эндокринологга мурожаат қилиши ва фарзанди тўлақонли текширувлардан ўтиши лозим. Дастлаб шифокор УТТ ҳамда қонда гормонлар нисбатини аниқлайди. Шундан сўнг рентгенография ёрдамида билан суякларни текширилади. Бу усул орқали боланинг суяклари ўсиш ҳудудидаги ёки йўқлигини билиш мумкин.

Зарурат туғилса, бўй ҳамда вазн ўлчами, бош соҳасининг томография текшируви, қўл қафти рентгени, қондаги гормон миқдори, жигар фаолияти, гижжалар текшируви ва генетик хасталикка гумон қилинганида генетик мутахассис томонидан алоҳида қон таҳлили олинади.



САЛОМАТЛИК

Шерзод ОЛИМОВ, Спорт вазирлиги бўлим бошлиғи.

Буюк табиб бадантарбиянинг аҳамияти ҳақида алоҳида тўхталиб, мўтадил равишда ва ўз вақтида бадантарбия билан шуғулланувчи киши касал бўлмайди, деган эди.



М.МУСЛИМОВ. Тошкент шаҳри.

– Уйимизда “WiFi” қурилмаси бор. Ойлик тўлов сифатида 100 минг сўм тўлаймиз ва “Чексиз” интернет тўпламига эга бўламиз. Қизиғи шундаки, кўп миқдорда фойдалансак ҳам, кам ишлатсак ҳам, барибир шунча тўлов қиламиз. Бунда ҳам исроф борми?

Ҳуломиддин домла ХОЛБОЕВ, Ўзбекистон мусулмонлари идораси Фатво маркази директори ўринбосари:

– Албатта, ҳар бир ишда исроф бор. Гарчи “Чексиз интернет” имкониятига эга бўлсангиз ҳам, беҳуда кетган

вақтингиз ва на дунёвий, на ухровий фойдаси бўлмаган нарсалар учун ишлатган мегабайтларингиз сабабли жавобгар бўласиз.

Ибн Можа ибн Умар розияллоху анҳудан ривоят қилган ҳадисда: “Гарчи анҳор бўйида бўлсангиз ҳам

сўни исроф қилма!” дейилади. Яна бир ҳадисда: “Эй, Аллоҳнинг Расули! Таҳоратда ҳам исроф борми?” – деб сўралади. Расулуллоҳ (с.а.в): “Ҳа. Ҳар бир нарсда исроф бор!” деб жавоб берадилар” (Имом Ҳоким ва Ибн Асоқир ривояти). Валлоху аълам.

Шу кунларда юртимиз бўйлаб ҳаво ҳарорати сезиларли даражада пасайган. Бундай шароитда тетик ва соғлом юриш учун овқатланиш рационига алоҳида эътибор қаратиш талаб этилади. Тиббиёт фанлари доктори Илҳом Отажонов бу борада юртдошларимизга қатор тавсияларни берди.

СОВУҚ КУНДА ИССИҚ ОВҚАТ ФОЙДАЛИ

Совуқ кунларда танага иссиқлик бахш этувчи таомлар истеъмол қилиш фойдали. Чунки бундай ҳавода организм ўзини ўзи иситиши учун жуда кўп энергия сарфлайди. Натижада танамиз кўпроқ витамин ва минераллар, айниқса, оксил моддасини талаб қилади. Ўз навбатида, унинг таркибидаги аминокислоталар иммунитетни мустаҳкамлаб, микробларга қарши курашда ёрдам беради. Бу эса ўткир респиратор вирусли инфекциялар кенг тарқалган ҳозирги мавсумда айна мудадоир.

Таркибида иссиқлик сақловчи егуликларга гречка ва жўҳори ёрмалари, пилёз, саримсоқпилёз, ерқалампир, қалампир, зира, туршак, майиз, балиқ,

қўй, мол, товуқ гўшти, сут маҳсулотлари, занжабил чойи, арпабодиён чойи ва қаҳва каби маҳсулотлар кирди.

Нутрициологлар вазн ташлаш учун кийимда парhezдан фойдаланишни тавсия этмайди. Аксинча, айнан шу вақтда организм дам олиши ва куч йиғиши керак.

Совуқ мавсумда қизил ва қора қалампир, занжабил, долчин каби иссиқ зирavorлардан фойдаланиш тавсия этилади. Уларнинг таркибидаги қиздирувчи моддалар овқат ҳазм қилиш тизимининг рецепторларини қўзғаб, қонни томирлар бўйлаб тезроқ айланиши ва иссиқликни таъминлайди.

Кийимда кам миқдорда ёғли гўшт истеъмол қилиб туриш ҳам зарар

қилмайди. Унда совуққа қарши туриш учун зарур бўлган архидон кислотаси мавжуд. Витаминларга бой мол, қўй жигари қишда А витамини манбаи сифатида организм учун зарур бўлади.

Ҳамирли овқатлар танани иситиш учун хизмат қилади. Бундай таомлар қиш учун жуда мос келади. Иссиқ, тўйимли овқат истеъмол қилиш қишнинг совуқ кунларида одамларнинг кайфиятига ижобий таъсир қилади. Айниқса, товуқли шўрва организмда протеиннинг керакли даражасини сақлаб қолиш учун муҳим таомдир.

Шарқ истеъмолини чеклаш саломатлик учун аҳамиятли. Иссиқ ва аччиқ қаҳва организмдан ундан кўра кўпроқ тетиклик бағишлайди.

СўРАГАН ЭДИНГИЗ...

“Чексиз интернет”дан фойдаланишда исроф борми?

МУҲИМ



Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси

Бош муҳаррир: Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ
Дизайнер: Абдулазиз АҲМЕДОВ
Шерзод МАМАНОВ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2024 йил 7 майда №271590 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «MAHALLA DAVRIY NASHRLARI» МЧҚ

Таҳририят манзили: 100192, Тошкент шаҳри Мустақиллик шоҳ кўчаси 59-уй.
Телефонлар: 71 233-39-89, 71 233-10-92.
Нашр кўрсаткичи: 148

«Шарқ» НМАК босмаҳонасида чоп этилди. Босмаҳона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.



Ўлчами — 380x587, 4 б.т. 6 130 нусхада чоп этилди. Бююртма №: F-1220

Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди ва офсет усулида босилди.